VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

MILLIY TIKLANISH

34-35 (519) ● 2018 йил 29 август, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz | Таҳририят — www.milliytiklanish.uz | 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

АЗИЗ ВА ЯГОНАМСАН, ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ!

МАМЛАКАТИМИЗДА ТРАНСПОРТ ВАЗИРЛИГИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 28 август куни автомобиль транспорти соҳасида бошқарувни такомиллаштириш, халқаро хамкорликни ривожлантириш, транспорт хизматлари кўламини кенгайтириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Маълумки, давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 6 мартдаги қарорига мувофиқ Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги қайта ташкил этилган эди. Унга биноан 2018-2021 йилларда автомобиль транспорти инфратузилмасини ривожлантириш дастури қабул қилинди. Дастур ижроси доирасида 50 дан зиёд йўловчи ташиш йўналиши очилди, 9 автостанция қурилди, 82 янги автобус сотиб олинди. Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистонга 5 халқаро автобус қатнови йўлга қўйилди.

Йиғилишда соҳа ривожига тўсиқ бўлаётган бир қатор муаммолар ҳам мавжудлиги қайд этилди. Тизимдаги ислоҳотларни изчил давом эттириш, замонавий транспорт хизмати кўрсатиш бўйича вазифалар белгиланди. Қишлоқдан шаҳаргача, туманлараро ҳамда шаҳарлараро йўналишларда транспорт хизмати кўрсатиш тизими ва инфратузилмасини яхшилаш юзасидан топшириқ берилди.

Давлатимиз раҳбарининг кўрсатмасига биноан эндиликда транспорт хизмати фаолиятини мувофиқлаштириш вазифаси давлат-хусусий шериклик асосида хусусий оператор-диспетчерларга берилади.

Лицензияга эга ва тендер ғолиби бўлган хусусий оператор-диспетчер тегишли ҳудуд ёки йўналишда шартнома асосида барча транспорт хизмати кўрсатувчиларни бирлаштириб, улар учун ягона платформа ташкил этади. Хусусий оператор-диспетчерларга давлатга қарашли 10115 автобекат, 17 автовокзал ва автостанция топширилади.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, тегишли вазирлик ва идораларга шу йил 1 декабргача мазкур тизимни жорий этиш вазифаси юкланди.

Ҳисоб-китобларга кўра, мамлакатимизда ҳар 10 минг фуқарога 2 автобус тўғри келади. Лекин ҳудудларда мазкур йўналишларнинг 30 фоиздан ортиғи ишламаяпти. Халқаро йўловчи ташишнинг бор-йўғи 6 фоизи (12 автобус, мавжуд талаб – 200 автобус) қонуний фаолият юритаётган йўловчи ташувчилар томонидан амалга оширилмоқда.

Шу боис вилоятларда 13 автокорхона ташкил этиш ва улар учун бу йил 400, кейинги йил охиригача 780 "Исузу" автобуси сотиб олиш керак.

2-бет

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимиз мустақиллигининг 27 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига хорижий давлатлар ва нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарларидан самимий қутловлар келмоқда. Уларда давлатимиз раҳбарига муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига равнақ ва фаровонлик тилаб, эзгу истаклар изҳор этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига
Муҳтарам Президент жаноблари!

Хитой Халқ Республикаси ҳукумати ва халқи номидан, шахсан ўз номимдан Сизни ва дўст Ўзбекистон халқини Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 27 йиллиги муносабати билан самимий табриклаш ва энг эзгу тилаклар билдиришга ижозат бергайсиз.

3-бет

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига
Муҳтарам Президент жаноблари!

Сизга Жаҳон банки ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида ўзаро ишончга асосланган мулоқот ва конструктив шериклик йўлга қўйилгани учун самимий миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.

Сизнинг шу йил май ойида Вашингтонга ташрифингиз давомида бўлиб ўтган самарали учрашувдан буён биз ўзаро ҳамкорликнинг кўплаб йўналишлари бўйича сезиларли муваффақиятларга эришдик.

Жаҳон банки гуруҳи экспертлари Ўзбекистон ҳукуматига энг муҳим масалалар, жумладан, энергетика тармоғини ислоҳ қилиш, солиқ ва савдо сиёсатини такомиллаштириш, давлат-хусусий шериклик механизмларини жорий этиш, мактабгача таълимни ривожлантириш, Иқтисодий кенгашни ташкил этиш ва бошқа соҳалар бўйича кўмаклашиш мақсадида мамлакатингизга мунтазам равишда ташриф буюрмоқда.

Яқин ҳамкорлик амалга оширилмоқда ва умумий қиймати қарийб 1 миллиард долларлик 8 та қўшимча лойиҳа тайёрланмоқда. Бу лойиҳалар иқтисодиётни ривожлантириш бўйича янги лойиҳаларни ҳамда қишлоқ жойларда аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини оширишга қаратилган "Обод қишлоқ" дастурини қўллаб-қувватлашни ҳам қамраб олади.

Мен Ўзбекистонда амалга оширилаётган ўзгаришларнинг суръати, миқёси ва кўламидан ҳануз чуқур таассуротдаман. Инсон капиталини ривожлантириш бўйича лойиҳамизнинг дастлабки босқичларида Ўзбекистоннинг иштирок этишига имконият яратилгани учун ҳам Сизга самимий миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз. Бизнинг бу борадаги ишларимизга давлат раҳбари сифатида Сиз ҳам қўшиласиз, деб умид қиламан.

Ўзбекистонга таклиф қилганингиз учун Сиздан ғоят миннатдорман ва яқин фурсатда мамлакатингизга келишдан умидворман.

Ҳурмат билан,
Жим Ёнг КИМ,
Жаҳон банки президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ЕТТИ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, ТАЪЛИМ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, АДАБИЁТ, МАДАНИЯТ, САНЪАТ, МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ҲАМДА ИЖТИМОИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқимиз маданияти ва маънавиятини юксалтириш ишига қўшган муносиб ҳиссаси, ёрқин истеъдоди ва серқирра ижоди, илмий фаолияти, самарали хизматлари, ёш авлодни она юртга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

"Ўзбекистон Республикаси фан арбоби"

Йўлдошев Беҳзод Содиқович — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти

"Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси"

Тоғаев Бахшикул Каримович — Қумқўрғон туманидаги "Сурхон тонги" ашула ва рақс бадиий ҳаваскорлик жамоаси бахшиси, Сурхондарё вилояти

"Ўзбекистон Республикаси халқ ёзувчиси"

Абдурахманов Оразбай — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи

"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист"

Рузиева Анор Райимовна — Қашқадарё вилоят мусиқали драма театри вокал артисти

2-бет

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ЕТТИ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда ёш авлоднинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини юксалтириш, таълим тизимини замон талаблари асосида такомиллаштириш, ёшларга юриспруденция асослари бўйича таълим бериш, уларни она Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги кўп йиллик фидокорона хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун фахрий унвон берилсин:

"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси"

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна — Тошкент давлат юридик университетининг "Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи" кафедраси профессори

Мамлакат Қуролли Кучларининг жанговар тайёргарлигини оширишдаги хизматлари, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш ва тинчликни таъминлаш, барқарорлик ва жамоат тартибини мустаҳкамлаш борасидаги хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани учун қуйидагилар мукофотлансин:

"Фидокорона хизматлари учун" ордени билан

Мингбаев Убайдулла Курбанович — Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши раиси

3-бет

Ватанимиз мустақиллигининг 27 йиллигига

ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ – ИСЛОҲОТЛАРНИНГ БОШ МЕЗОНИ

Мустақиллик ўзлигимизни, инсоний қадр-қимматимизни қайта тиклаш, она тилимиз, муқаддас динимиз, миллий қадрият ва анъаналаримизни улуғлаш имконини берди. Ватанимизнинг неча минг йиллик тарихида янги саҳифа очди, мамлакатимиз халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди. Ўтган йигирма етти йиллик қисқа давр мамлакатимиз, халқимиз ҳаётида унутилмас, асрларга татигулик йиллар бўлди. Халқимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг, аввало, миллий давлатчилигимизни тиклади. Ўзбекистон жаҳондаги мустақил ва суверен давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллади. Ўзини оқламаган эски, мустабид тузумдан бутунлай воз кечилиб, чуқур



ўйланган, миллий манфаатларимизга тўла жавоб берадиган ислоҳотларга асосланган, ўзимизга хос ва ўзимизга мос ривожланиш йўли танланди. Бу йўлнинг тўғри эканлигини, амалий исботини бугун мамлакатимиз эришаётган муваффақиятларда яққол кўриш мумкин.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 28 июнь куни қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма етти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори бу қутлуғ сананинг йигирма етти йиллигини муносиб кутиб олиш ва нишонлашда муҳим ҳуқуқий асос бўлди. Мазкур қарорга асосан бу йилги Истиқлол шодиёналари **"Азиз ва ягонамсан, жонажон Ўзбекистоним!"** деган ғоя асосида кенг нишонланади. Бу улуғвор ғоя халқимизни бирлаштиришга, юртимиздаги тинчлик-осойишталикни янада мустаҳкамлашга, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

4-бет

Боқий мерос

МАҚОМ – МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШ, РУҲИЙ БАРКАМОЛЛИК



Яхши куй-қўшиқ тингловчи руҳига ҳаловат, таскин, маънавий қувват бағишлайди, фикрни теранлаштиради. Улар орасида, айниқса, ўзбек миллий мақом санъати алоҳида ўрин тутади. Шу боис ҳам мусиқа ижодиётининг мақом жанри асрлар давомида яшаб, сайқалланиб, такомиллашиб келмоқда. Мустақиллик даврида унга муносабат тубдан ўзгарди.

Эл суйган санъаткор, Ўзбекистон халқ ҳофизи **Маҳмуджон ТОЖИБОЕВ** билан мақом санъатининг тарихи, ривожланиши, жаҳон мумтоз мусиқаси ривожидаги ўрни ҳақида суҳбатлашдик.

— Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 17 ноябрда қабул қилган "Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори соҳада туб бурилиш ясади, десак муболаға бўлмайди...

— Ўзбекистон мумтоз мусиқий меросга бой диёр саналади. Аммо очиғини айтганда, сўнгги йилларда замонавий мусиқа соясида ўзбек миллий мақом санъатига эътибор бир мунча сусайгандек эди.

12-бет

MILLIY TIKLANISH — мамлакатимиз миллий тикланишига хизмат қилади!

"Milliy tiklanish" газетасини **www.milliytiklanish.uz** сайтида, шунингдек, **fb.com/milliytiklanish, t.me/milliytiklanish_uz** ижтимоий тармоқларида ҳам ўқинг!

MILLIY TIKLANISH газетамизга обуна давом этмоқда!

Нашр кўрсаткичи — 158

MILLIY TIKLANISH
34-35 (519) 2018 йил 29 август, чоршанба

МАМЛАКАТИМИЗДА ТРАНСПОРТ ВАЗИРЛИГИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Йиғилишда юк ташиш тизимига хусусий секторни жалб қилиш, хизмат таклиф этувчи ва мижозларга экспедиторлик хизмати кўрсатишни жорий этиш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Бу тизим норасмий иш юритаётганлар фаолиятини легаллаштириш, хизмат кўрсатувчиларга ва мижозларга қулайлик яратиш имконини беради.

Шу мақсадда Вазирлар Маҳкамаси юк ташувчиларга лицензия ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш, хусусий экспедиторлик ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш бўйича қарор қабул қилиши керак.

Транзит юк ташиш бозорида рақобатбардошликни ошириш масалалари муҳокама қилинар экан, мамлакатимиз ҳудуди орқали ўтаётган экспорт-импорт ва транзит юкларнинг атиги 11 фоизи миллий ташувчилар ҳиссасига тўғри келиши, магистраль йўл инфратузилмаси ривожланмаётгани, йўлларда ёқилғи қуйиш шохобчалари ва меҳмонхоналар етарли эмаслиги танқид қилинди.

Мамлакатимиз орқали юк ташишни кўпайтириш учун хорижий давлатлар ва йирик компаниялар билан қўшимча битимлар имзолаш, Транс-Афғон, Транс-Кавказ, Транс-Хитой каби автомобиль йўлларидан фойдаланишни жадаллаштириш, юк ташувчилар билан ҳамкорликда корхоналар ташкил этиш, соҳага оид халқаро ҳужжатларга қўшилиш, тегишли қонун лойиҳаси ишлаб чиқиш вазифалари қўйилди.

Йўловчи ташиш хизматлари кўрсатиш учун тариф белгилаш тартиб-таомиллари ҳам талабга жавоб бермаслиги қайд этилди. Шаҳар автобус йўналишларида тарифлар вилоятлар ўртасида 1,7 баробар фарқ қилади, йўналишли такси бўйича эса бу тафовут 6 баробардан ортади.

Вазирлар Маҳкамаси, Молия вазирлиги, "Ўзавтотранс" агентлиги ва Давлат рақобат қўмитаси йўловчи ташиш хизматлари учун тарифларни давлат томонидан белгилаш тартибини такомиллаштириши зарур.

Транспорт хизмати кўрсатиш соҳасига ахборот-коммуникация технологияларини жадал жорий этиш лозим. Йўл ҳақи учун пул тўлаш ҳамон эскича тизимда қолмоқда. Мисол учун, Тошкент шаҳрида йўл кира учун электрон тўлов тизимини жорий этиш 3 йилдан буён пайсалга солиб келинаётгани танқид қилинди.

Йиғилишда пойтахтимизда йўловчи ташиш тизими ва инфратузилмасини такомиллаштириш масалалари муҳокама этилди. Тошкент кўчаларидаги бекатларда автобусларнинг келиб-кетиш вақтини кўрсатувчи электрон таблолар, бепул интернет, автобусларда мобиль иловалар ва видеокузатув мосламалари йўқ. Вазиятни ўнглаш учун Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш транспорти тизимини тубдан янгилаш концепцияси лойиҳасини ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда "Ўзавтотранс" агентлиги томонидан транспорт соҳасини ривожлантиришни комплекс кўриб чиқиш борасида давлат сиёсатини юритиш тизими ҳанузгача йўлга қўйилмагани қайд этилди. Шунинг учун автомобиль, темир йўллар ва ҳаво йўллари, метро ва дарё транспорти ишини ўзаро мувофиқлаштирувчи, бу борада ягона сиёсат юритувчи давлат органини ташкил этиш зарур.

Мутасаддиларга Транспорт вазирлигини ташкил этиш бўйича таклиф киритиш вазифаси топширилди.

ЎзА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ЕТТИ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, ТАЪЛИМ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, АДАБИЁТ, МАДАНИЯТ, САНЪАТ, МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ҲАМДА ИЖТИМОИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Хабибов Неъматулла Махарамович — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри опера солисти

Халкназарова Лизахан Утепбергеновна — Қорақалпоқ давлат ёш томошабинлар театри актёри

"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи"

Абдурахимов Ахмад Мамаджанович — Тошлоқ туманидаги 22-болалар мусиқа ва санъат мактабининг анъанавий хонандалик синфи ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Иноятов Рахматулло — Бухоро санъат коллежи анъанавий хонандалик бўлими ўқитувчиси

Муминова Лола Рахимовна — Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари

Орзиева Дилбар Адизовна — Навоий шаҳридаги Меҳрибонлик уйи директори

Рахимов Эштурди — Меҳнат фахрийси, "Нуроний" жамғармасининг Нуробод тумани Кенгаши аъзоси, Самарқанд вилояти

"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи"

Ефремов Иван Владимирович — Оғир атлетика бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Халқимизнинг илмий-интеллектуал салоҳияти ва маънавиятини юксалтириш, таълим, маданият, адабиёт, санъат, соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантиришдаги хизматлари, Ватанимиз мустақиллигини, юртимиздаги тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш ишига қўшган муносиб ҳиссаси ҳамда жамоатчилик ишларидаги кўп йиллик самарали иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

"Фидокорона хизматлари учун" ордени билан

Абдуллаева Насиба Меликовна — "Ўзбекконцерт" давлат муассасаси хонандаси

Аҳмедов Ёқуб — Ўзбек Миллий академик драма театри актёри

Баймурадов Элмурод Дилмуродович — Шаҳрисабз шаҳридаги "Бахтли болалик" намунали болалар мақомчилар ансамблининг бадиий раҳбари, Қашқадарё вилояти

Жўраев Шерали — "Ўзбекконцерт" давлат муассасаси хонандаси

Закиров Фаррух Каримович — "Ялла" ансамбли бадиий раҳбари

Отажонов Ортиқ — Ўзбекистон халқ артисти

Сагдиев Ёдгар Хабибович — Ўзбек Миллий академик драма театри актёри

Усмонова Юлдуз Ибрагимовна — "Ўзбекконцерт" давлат муассасаси хонандаси

"Меҳнат шуҳрати" ордени билан

Алеушиева Жгагул Смаиловна — Шуманай тумани 57-сонли қишлоқ оилавий поликлиникаси гинеколог шифокори, Қорақалпоғистон Республикаси

Ахмедова Захро Рахматовна — Ўзбекистон Фанлар академияси Микробиология институти лабораторияси мудири

Джалалов Боходир Фазлетдинович — Ўзбекистон Бадиий академияси аъзоси, рассом

Жалилов Исмоил Тўлаганович — Ўзбекистон Миллий симфоник оркестри бадиий раҳбари

Камалов Телман Толяганович — Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази қандли диабетнинг йирингли асоратлари бўлими мудири

Камилова Халида Хафизовна — Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ўқув ишлари бўйича проректори

Курбанов Рахматжон Хударганович — Урганч шаҳар 2-болалар мусиқа ва санъат мактаби директори, Хоразм вилояти

Лутпуллаев Хайрулла — Ўзбекистон халқ артисти

Муминова Зулфия Мардановна — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира

Рашидов Турсунбай — Ўзбекистон Фанлар академияси Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти бош илмий ходими

Сабиров Леонард — Самарқанд давлат университетининг назарий физика ва квант электроникаси кафедраси профессори

Тожибоев Махмуджон Гозиевич — Ўзбекистон давлат консерваториясининг анъанавий ижрочилик кафедраси профессори

Халилова Мавлуда Болтаевна (Матлуба Дадабоева) — Ўзбек миллий мақом санъати маркази катта илмий ходими

Юлдашев Акмал Акрамович — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Фарғона вилояти филиали директори

I даражали "Соғлом авлод учун" ордени билан

Варисова Максуда Азизовна — Зангиота тумани тиббиёт бирлашмасининг 19-қишлоқ оилавий поликлиникаси мудири, Тошкент вилояти

II даражали "Соғлом авлод учун" ордени билан

Абдужаппаров Сулайман Бахреддинович — Жиззах вилояти онкология диспансери бош шифокори

Бахронов Ўткир Шодиевич — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Навоий вилояти филиали кардиология бўлими шифокори

Бойдедаев Тохир Рахимжонович — Наманган шаҳар 1-сонли шифохона бош шифокори

Дадамухамедова Шахида Мубашировна — Бухоро вилоят кўз касалликлари шифохонаси бош шифокори

Джураев Миржалол — Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Самарқанд филиали директори

Назаров Нутфулло — Ғиждувон тумани тиббиёт бирлашмаси 68-қишлоқ оилавий поликлиникаси шифокор-терапевти, Бухоро вилояти

Қосимова Феруза Абдувалиевна — Мирзаобод тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли "Наврўз" қишлоқ врачлик пункти мудири, Сирдарё вилояти

Қурбонов Шерали Шайматович — Денов туман тиббиёт бирлашмаси шошилинч тиббий ёрдам бўлими мудири, Сурхондарё вилояти

"Дўстлик" ордени билан

Асретдинов Хасанбой Юлдашевич — Норин тумани маданият бўлими мудири – маданият ва аҳоли дам олиш маркази директори, Наманган вилояти

Ахмедов Мурод Эркинович — Навоий вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокори

Аҳмедова Зарина Аҳмедовна — Ўзбекистон бадиий жамоалари ижодий бирлашмаси "Наврўз" ашула ва рақс ансамбли бадиий раҳбари

Балтаниязов Сарсенбай Айтмуратович — Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Нукус филиали режиссёрлик ва актёрлик маҳорати кафедраси доценти

Бердимуродов Амридин Эргашович — Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти директори

Варламова Наталья Геннадьевна — Ўзбекистон оркестрлари бирлашмаси Миллий симфоник оркестри артисти

Гафуров Саттаржон — Наманган вилояти тожик миллий маданий маркази раиси

Джурабаева Чаросой Хосилжановна — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри Ёшлар балети ("Тумор" рақс ансамбли) бадиий раҳбари

Долимов Улуғбек — Меҳнат фахрийси, адабиётшунос олим

Иванов Сергей Викентьевич — "Усто" уюшмаси аъзоси, уста кулол

Каримбаева Нигора Абдурахмановна — Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ўқитувчиси, киноактёр

Керимов Фикрат Азизович — Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети жисмоний тарбия назарияси ва услубияти кафедраси профессори

Курбонов Хасан Исматович — Китоб туманидаги "Китоб гуллари" ашула ва рақс ансамбли бадиий раҳбари, Қашқадарё вилояти

Лиходзиевский Анатолий Степанович — Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг рус тили ва адабиёти кафедраси профессори

Маҳмудов Низомиддин Мамадалиевич — Ўзбекистон Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти директори

Мусаева Фируза Юсуповна — "Фарҳод" маданият саройи "Бахтли болалик" халқ рақс ансамбли балетмейстери, Навоий вилояти

Мухитдинова Лариса Асамовна — В.А.Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи директори ўринбосари, фортепиано бўлими ўқитувчиси

Назарова Зулфия Шералиевна — Жиззах вилояти перинатал маркази реанимация ва анестезиология бўлими катта ҳамшираси

Назарова Салима Каюмовна — Қорақалпоғистон Республикаси эндокринология диспансери бош шифокори

Разаков Наби — Америка Қўшма Штатларининг Нью-Йорк шаҳридаги "Стар лайт" студияси режиссёри

Саидов Фарход Джураевич — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Маданият ва маърифат маркази хонандаси

Саитова Эркиной — Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби ўқитувчиси

Токсанбаева Гулбахар Оразбаевна — Мўйноқ туман маданият ва аҳоли дам олиш маркази директори, Қорақалпоғистон Республикаси

Тўраев Ҳалим — Бухоро давлат университети тарих кафедраси профессори

Турсунов Санжар Шокиржон ўғли — Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Турсунова Хуршидахон Атабаевна — Ўзбекистон давлат консерваторияси бастакорлик ва чолғулаштириш кафедраси доценти

Усманов Фарид — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

Усманова Дилбар Саидмахмудовна — Қибрай туманидаги "Farhod - madad shifo" хусусий клиникаси эндокринология бўлимининг олий тоифали шифокор-эндокринологи ва клиника менежери, Тошкент вилояти

Чернишева Анастасия Игоревна — Тошкент шаҳар руҳий касалликлар клиник шифохонаси бўлим мудири

Шералиева Татьяна Тургуновна — Фарғона вилояти маданият ва аҳоли дам олиш маркази директори

Юсупов Джалил Джўрабаевич — Ўзбекистон Фанлар академияси Ядро физикаси институти бош муҳандиси

Мамлакатимизда ижтимоий ва маънавий-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлардаги фаол иштироки, самарали меҳнати, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ишига қўшган ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

"Шуҳрат" медали билан

Абдурахманов Камил Фазилович — Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг онкология кафедраси доценти

Азларов Акмал Акрамович — "Ҳунарманд" уюшмаси аъзоси, ёғоч-ўймакор уста

Анназаров Жасвантбек Бахрамович — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, ҳайкалтарош

Бабаназаров Баходир Бабажанович — Ўзбекистон Бадиий академияси Сирдарё вилоят ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати директори

Бердимбетова Гулаим Есеновна — Республика марказий кўзи ожизлар кутубхонаси директори ўринбосари

Болтаев Фарход Назарович — Сурхондарё вилояти мусиқали драма театри режиссёри

Даминов Иргаш Иноятович — Республика Маънавият ва маърифат маркази бўлим бошлиғи

Кан Виталий Сергеевич — Тошкент ахборот технологиялари университети телерадиоэшиттириш тизимлари кафедраси катта ўқитувчиси

Каттаева Фотима Болтаевна — Қарши шаҳридаги "Мурувват" ногирон болалар интернат уйи энагаси

Мирзаева Зебо Бойматовна — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира

Мустафокулов Самариддин Истатпулотович — Самарқанд шаҳар тарихи "Афросиёб" музейи директори

Нурматов Хабибулла Исанбаевич — Р.Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейининг ўзбек халқ чолғулари бўлими ўқитувчиси

Разикова Фотима Бафоевна — Бухоро вилоят болалар уйи бош тарбиячиси

Рахматуллаев Ўктам Ғуломович — Бўка туманидаги 19-болалар мусиқа ва санъат мактаби директори, Тошкент вилояти

Тулаева Ойим Тураевна — Ўзбекистон оркестрлари бирлашмаси Республикада хизмат кўрсатган хор жамоаси артисти

Фазлутов Замир Ямилевич — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри балет артисти

Ходжаев Аблат — Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг етакчи илмий ходими

Шайбакова Лилия Вадимовна — Ёшлар симфоник оркестри артисти

Шодиев Музафар Юлдошович — "Ўзбекфильм" акциядорлик жамияти кинорежиссёри

Эшниёзов Жўрабек Жабборович — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази тест синовларининг компьютер таҳлили ва ахборотлаштириш бошқармаси бошлиғи

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2018 йил 28 август

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ЕТТИ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Мамлакатимизда ёш авлоднинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини юксалтириш, таълим тизимини замон талаблари асосида такомиллаштириш, ёшларга юриспруденция асослари бўйича таълим бериш, уларни она Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги кўп йиллик фидокорона хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун фахрий унвон берилсин:

"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси"

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна — Тошкент давлат юридик университетининг "Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи" кафедраси профессори

Мамлакат Қуролли Кучларининг жанговар тайёргарлигини оширишдаги хизматлари, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш ва тинчликни таъминлаш, барқарорлик ва жамоат тартибини мустаҳкамлаш борасидаги хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани учун қуйидагилар мукофотлансин:

"Фидокорона хизматлари учун" ордени билан

Мингбаев Убайдулла Курбанович — Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши раиси

"Меҳнат шуҳрати" ордени билан

Газбаева Диляра Юлдашевна — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бошқарма бошлиғининг ўринбосари

Маслова Надежда Григорьевна — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси халқаро-ҳуқуқий бошқармаси прокурори

II даражали "Шон-шараф" ордени билан

Дадабоев Шерзод Шералиевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм эскадрилья командири

Норгитов Шухрат Иркинович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ташкилий-инспекторлик ва ахборот-таҳлил бош бошқармаси бошлиғи

Рустамов Шавкатилло Ассадилаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батальон командирининг ўринбосари

Хамдамов Абдували Ахмедович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси тезкор-қидирув фаолияти кафедраси бошлиғи

Хусанов Салимжон Эркинжонович — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари минтақавий штаби бошлиғи

"Дўстлик" ордени билан

Акбаров Равшан Рустамович — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси "Динамо" жисмоний тарбия ва спорт жамияти раисининг ўринбосари

Гасанов Михаил Юсупович — Тошкент давлат юридик университетининг "Меҳнат ҳуқуқи" кафедраси доценти

Гранкина Галина Николаевна — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази лаборатория бошлиғи

Исоқов Ҳожи-Мурод Исроилович — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти директори

"Мардлик" ордени билан

Аллабердиев Шерали Иралиевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секцияси командири

Назиров Давлат Журабаевич — Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми бўлинма командири

Саманов Мусурмон Жаббарович — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

Узақов Ганчар Уммат ўғли — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

Халикчаев Зафаржон Тохиржонович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

"Жасорат" медали билан

Абдуалимов Шерзод Баходирович — Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати отрядининг сафдор ходими

Абиджонов Ботиржон Баходиржонович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батальон командирининг биринчи ўринбосари

Жўраев Баҳром Абдисатторович (марҳум) — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси Қашқадарё вилояти Яккабоғ тумани бўлими бошлиғи

Жўраев Рустамбек Қахрамон ўғли — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари минтақавий штаби йўриқчиси

Зайнутдинов Абдулазиз Боходир ўғли — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

Курбанов Сухроб Ульмасович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батарея командири

Қурбонов Алишер Омонович — Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми бўлинма командири

Мардонов Элёр Ирдонович — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

Мирзаев Бунед Олимжонович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги базаси катта мутахассиси

Муродов Хусинали Юнусович — Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув бошқармаси бўлинма бошлиғи

Палваязов Асрорбек Жуманиязович — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

Рахмонов Шерзоджон Акбарович — Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси ўта оғир жиноятларни тергов қилиш бўлими бошлиғи

Хайруллаев Улуғбек Қўлдошевич — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

Эшмирзаев Элмурод Эштемирович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командири

"Содиқ хизматлари учун" медали билан

Губайдуллин Дамир Маратович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бўлим бошлиғи

Дарманов Муроджон Мухаммадович — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги "Қамчиқ" Махсус қидирув-қутқарув бошқармаси кимё йўриқчиси

Жуманиязов Халикбай Хасенбаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм штаби бошлиғининг ўринбосари

Жўраев Эшмурод Каршиевич — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси мурожаатлар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи

Ким Олег Владимирович — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси тергов бошқармаси бўлим бошлиғи

Мухамедов Фаррух Эрклиевич — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази директори

Набиев Шерзод Шарафутдинович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жиноят қидирув бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Нарбаев Илхом Ташбекович — Жиззах вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси қутқарув отряди қутқарувчи-ҳайдовчиси

Носиров Шухрат Абдурасулович — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари минтақавий штаби гуруҳ командири

Омонов Бектош Нуриддинович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секцияси техник-ҳайдовчиси

Тен Виктор Робертович — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бўлим бошлиғи ўринбосари

Туйчиев Улугбек Равшанбоевич — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Ўз хавфсизлик бошқармасининг профилактика ва тезкор бўлими бошлиғи

Халимбетов Анвар Бахтиярович — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

Шерматов Бахтиёр Юзбоевич — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари мутахассислар ва хизмат ҳайвонларини тайёрлаш маркази бошлиғи

Эшназев Дилшод Мухитдинович — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

"Шуҳрат" медали билан

Авясова Ирина Рафаиловна — Ўзбекистон Республикаси Олий ҳарбий авиация билим юрти кафедраси ўқитувчиси

Ахмадалиев Элёржон Умаралиевич — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Махсус муҳандислик-қурилиш бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

Булутов Олимжон Муминович — Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори

Есемуратов Лепесбай Ажимуратович — Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси прокуратура органлари тергов тармоқлари фаолияти устидан назорат бўлими бошлиғининг ўринбосари

Жамолов Хамза Мухаммадиевич — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бош бошқармаси бўлим бошлиғининг ўринбосари

Инанбабаев Акмалхон Махмудович — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги "Адолат" ҳуқуқий ахборот маркази" давлат унитар корхонаси директори

Исматов Сирожиддин Ниматович — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм командирининг биринчи ўринбосари

Касимов Даврон Вахиджонович — Андижон вилоят иқтисодий суди судьяси

Матчанов Балтабай Жуманиязович — Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл тумани давлат солиқ инспекцияси Юридик шахслар солиқ маъмуриятчилиги ва камерал назорат бўлими давлат солиқ бош инспектори

Нарзиллаев Бобир Косимович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секцияси командири

Нематиллаев Баходир Рахматиллаевич — Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Махсус авария-тиклаш бошқармаси санитар-йўриқчиси

Нематов Мурот Хикматович — Бухоро вилояти Когон шаҳар давлат солиқ инспекцияси бошлиғи

Нуришев Саламат Кудайназарович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секцияси командири

Раджапова Мухтарам Зиёдуллаевна — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси судларда прокурор ваколатини таъминлаш кафедраси бошлиғи вазифасини бажарувчиси

Салимжонов Нодирбек Рахимжонович — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Тошкент шаҳар божхона бошқармаси Божхона тўловлари бўлими бошлиғи

Сукачёва Елена Михайловна — Наманган вилояти давлат солиқ бошқармаси Таҳлил ва прогнозлаш бўлими давлат солиқ катта инспектори

Тошев Шамсиддин Шокирович — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари минтақавий штаби ҳарбий хизматчиси

Турдимуратов Алписбай Жангабаевич — Қорақалпоғистон Республикаси Нукус тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори

Хамидов Гафур Гарифович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм катта муҳандиси

Юсупова Рано Махамаджановна — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Чирчиқ олий танк қўмондон-муҳандислик билим юрти кафедраси катта ўқитувчиси

Якубова Мархамат Кушбаевна — Тошкент шаҳар "POYTAXT" адвокатлар ҳайъати бошқарувчиси

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2018 йил 28 август

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Сизнинг раҳбарлигингизда Ўзбекистонда барқарор сиёсий муҳит кузатилмоқда, барча йўналишларда жадал ислоҳотлар амалга оширилмоқда, иқтисодий тараққиёт суръатлари тобора ортмоқда, бунинг натижасида аҳоли фаровонлиги муттасил ошмоқда, давлат қурилиши соҳасида муваффақиятлар қўлга киритилиб, мамлакатнинг жаҳон миқёсидаги нуфузи юксалмоқда. Хитой Ўзбекистоннинг яхши қўшниси, ишончли ҳамкори ва яқин дўсти сифатида буларнинг барчасидан ғоят мамнун бўлмоқда.

Мен Хитой – Ўзбекистон муносабатларини ривожлантиришга катта эътибор қаратиб келмоқдаман, Сиз билан ўртамиздаги самимий ишчан муносабат ва шахсий дўстлигимизни юксак қадрлайман. Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг яқинда Циндао шаҳрида бўлиб ўтган саммити доирасида биз самарали учрашув ўтказдик, қатор муҳим келишувларга эришдик, уларнинг барчаси Хитой ва Ўзбекистон муносабатлари ривожига янги ҳаракатлантирувчи куч бағишлади. Хитой – Ўзбекистон ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини мамлакатларимиз ва халқларимиз равнақи ва фаровонлиги йўлида ривожлантиришда янги натижаларга эришиш учун саъй-ҳаракатларимизни Сиз билан биргаликда сафарбар этишга тайёрман.

Дўст Ўзбекистонга тараққиёт ва куч-қудрат, халқингизга бахт-саодат ва фаровонлик тилайман.

Ҳурмат билан,
Си ЦЗИНЬПИН,
Хитой Халқ Республикаси Раиси

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига
Муҳтарам Президент жаноблари!

Сизни ва Ўзбекистон халқини катта мамнуният ила Мустақиллик куни билан табриклайман. Америка Қўшма Штатлари мамлакатингиз мустақиллиги, суверенитети ва ҳудудий яхлитлигининг қатъий тарафдори бўлиб қолади ва биз Ўзбекистон мустақиллигининг 27 йиллигини эркин ва жадал ривожланаётган давлат сифатида нишонлаётганингиздан хурсандмиз.

Ўтган 27 йил мобайнида бизнинг муносабатларимиз изчил ривожланди ва шу йил май ойида Сизнинг Оқ уйга тарихий ташрифингиз унинг энг юксак босқичи бўлди. Мен Сиз билан учрашганимдан, минтақадаги умумий таҳдидларни ҳал қилиш учун стратегик шериклигимизга янги суръат бахш этиш имкониятидан мамнун бўлдим. Шунингдек, Сизни сиёсат, иқтисодиёт ва инсон ҳуқуқлари соҳаларида амалга ошираётган, Ўзбекистон халқининг равнақи ва фаровонлиги ҳамда тинч тараққиёт орқали гуллаб-яшнаши учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қиладиган кенг кўламли ислоҳотларингиз билан қутлайман.

Биз 1 сентябрь куни шерикликда ўтган йилларимизга миннатдорлик билан назар ташлаймиз ҳамда истиқболда юзага келажак янги имкониятларни орзиқиб кутамиз. Америка халқи номидан Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистоннинг барқарор тараққиёти ва демократик юксалиши йўлидаги ишларимизни биргаликда давом эттирамиз, деб самимий ишонч билдиришга ижозат бергайсиз.

Эҳтиром билан,
Дональд Ж.ТРАМП,
Америка Қўшма Штатлари Президенти

Қутловлар келиши давом этмоқда.

МУАММОЛАР ИЛДИЗИГА ТАҲЛИЛИЙ НАЗАР

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгашида "Ёшлар маънавияти: муаммо ва ечим" мавзусида Ёшлар пресс-клубининг махсус сессияси ўтказилди.

Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари А.Қодиров, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати А.Зиё, таниқли журналист А.Мелибоев ва бошқалар мамлакатимизда ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг камолоти ва истиқболига устувор вазифа сифатида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Президентнинг 2018 йил 14 августда қабул қилинган "Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори юксак маънавиятли, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқарашга эга бўлган фидойи ва ватанпарвар ёшларни тарбиялаш, уларни ёт ғоялар таъсиридан ҳимоялаш, педагог ходимларнинг қадр-қиммати ва нуфузини оширишда янги истиқболларни очиши шубҳасиз.

Энг улуғ ва энг азиз байрам – Мустақиллик айёми арафасида юртимизнинг турли ҳудудларида ўтказилаётган учрашув ва мулоқотлар, тарғибот тадбирлари давомида ёшлар онгига юртимизда кечаётган шиддатли ўзгаришларнинг мазмун-моҳиятини, аҳамиятини, навқирон авлод камолоти йўлидаги чексиз меҳр ва эътиборни ҳаётий мисоллар ёрдамида, самимий тарзда тушунтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тадбирда таъкидланганидек, бугунги кунда айрим ёшларни истиқлол ва унинг неъматлари қадрига етишга, маънавиятимиз ривожига тўсиқ бўлаётган ғовларни тўғри ажрата олишга ўргатиш муҳим аҳамият касб этади. Тадбирда маънавиятимиз илдизига болта ураётган айрим иллатларнинг сабаби ва моҳияти ёшлар аудиториясининг иштирокида атрофлича муҳокама этилди.

Н.УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

Ватанимиз мустақиллигининг 27 йиллигига

ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ — ИСЛОҲОТЛАРНИНГ БОШ МЕЗОНИ

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Бугун ана шу эзгу ғоя асосида барча ҳудудда давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш, айниқса, халқ билан доимий мулоқотни йўлга қўйиш, инсон манфаатларини таъминлаш, қонун устуворлигига эришиш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, иқтисодиётни ривожлантириш ва фаол тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасидаги кенг кўламли ислоҳотлар мазмун-моҳияти кенг тарғиб қилинмоқда. Ижтимоий соҳа, фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат, туризм, спорт тармоқларини ривожлантириш, тинчлик-осойишталик, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш, ташқи сиёсат соҳасида барча узоқ ва яқин давлатлар билан ўзаро манфаатли алоқаларни жадал ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган кенг миқёсли ишларнинг мазмун-моҳиятини ҳаётий мисоллар орқали очиб беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ана шундай шодиёна кунларда ўтган даврда эришган ютуқларимиздан фахр-ифтихор туйган ҳолда бугунги изчил сиёсатга кўмакдош бўлиш, эртанги кунимизнинг мустаҳкам пойдеворини қўйиш ва мамлакат ёшларини нурафшон келажак учун масъул сифатида сафарбар этиш, уларни муносиб ворис қилиб тарбиялаш зиммамиздаги муҳим вазифадир.

Таъкидлаш жоиз, мустақиллик йилларида келажагимиз эгалари бўлган ёш авлод вакилларини ҳар томонлама соғлом қилиб тарбиялаш, юксак маънавиятли, юрт тақдирини ўз қўлига олишга қодир, етук мутахассис сифатида камол топтиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бунинг учун етарли шарт-шароит ва имкониятлар яратилди, ёшларимизнинг фан, таълим, маданият, санъат, спорт соҳаларида ўз иқтидорини намоён қилишлари учун барча қулайлик муҳайё қилинди. Натижада бугун Ўзбекистон ёшлари ҳар бир соҳада оламшумул марраларни қўлга киритиб, буюк аждодларга муносиб авлод эканини намоён қилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган "Ёшлар — келажагимиз" Давлат дастури мамлакатимизда ёшлар сиёсатига доир олиб борилаётган кенг кўламли ишларни янги босқичга кўтаришга хизмат қилаётир. Ёшлар иттифоқи ҳузурида "Ёшлар — келажагимиз" жамғармаси ҳамда унинг туман, шаҳар филиаллари ташкил этилди. Бу тузилма маблағларидан ёшларнинг бизнес лойиҳалари учун йиллик 7 фоиз ставка билан имтиёзли кредит берилади. Айни пайтда республикамизнинг барча ҳудудида мазкур дастур ижросини таъминлаш борасидаги ишлар жадал давом эттирилмоқда. Ҳудудларда минглаб ёшлар бандлигини таъминлашга, уларнинг бизнес ғоя ва ташаббусларини, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга кўмак берилаётир.

Истиқлол йилларида эришилган ютуқ ва марралар аҳамиятини, бугунги ислоҳотлар моҳиятини, айниқса, кечаги кунни ўз кўзи билан кўрмаган мустақиллик даври авлоди — ёшларимизга батафсил ва янада теран тушунтирмоғимиз лозим. Зеро, барчага аён ҳақиқат шуки, ҳамма нарсанинг мазмун-моҳияти, аҳамияти таққослашда билинади. Шундай экан, Истиқлол қадрини ортга назар солиш, аждодларимизнинг уқубатли ҳаёти билан солиштириш, адолатли хулоса чиқариш орқали чуқурроқ англаш мумкин. Шу билан бирга, бугун дунёда юз бераётган мураккаб жараёнлар партия фаолларидан мустақиллигимизнинг, Ватанимиздаги тинчлик ва осойишталикнинг олий қадрият эканини ёшларимиз онгига ҳаётий мисоллар ёрдамида сингдириши, уларни огоҳлик ва ҳушёрликка чорлашда янгича ёндашишни тақозо этмоқда.

Мамлакатимизнинг асосий мақсади эркин ва тинч-тотув яшаш, обод ва фаровон ҳаёт барпо этишдир. Бугун юртимизнинг қай бир гўшасида бўлманг, улкан қурилиш ва бунёдкорлик ишларига гувоҳ бўласиз. Бунда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган "Обод маҳалла", "Обод қишлоқ", "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастурлари муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур дастурлар доирасида чекка-чекка қишлоқларда ҳам шаҳар шароитидан кам бўлмаган қулайликлар яратилмоқда, маҳаллаларда кенг кўламли саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда.

Бугун Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ташқи сиёсатда яқин ва узоқ қўшни давлатлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга устувор аҳамият қаратилмоқда. Айниқса, Президентимизнинг Марказий Осиё давлатларининг хавфсизлигини таъминлаш ва минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги ташаббуслари минтақада прагматик сиёсатни амалга оширишга хизмат қилади. Давлатимиз билан Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги ўзаро дўстлик алоқалари мустаҳкамланаётгани ижобий ўзгаришларга сифат жиҳатидан янгича руҳ бағишламоқда, минтақанинг барқарор ва жадал суръатларда ривожланиши учун қулай шароитларни яратмоқда. Қўшни давлатлар билан ҳамкорликнинг мустаҳкамланиши хавфсизлик ва чегара муаммоларини ечиш ҳамда минтақада транспорт инфраструктурасини ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга. Президентимиз таъкидлаганидек, Ўзбекистон ўзаро мулоқот, амалий ҳамкорлик ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлашнинг қатъий тарафдоридир. Бу — ҳар томонлама чуқур ўйлаб танланган йўл. Минтақада барқарорлик, изчил тараққиёт ва тинчлик-осойишталик таъминланишида, албатта, яхши қўшничилик алоқаларининг ўрни беқиёс. Бу минтақамизда сиёсий ишонч даражаси ошиши, принципиал жиҳатдан муҳим масалаларга ечим топиш ҳамда халқлар ўртасида қўшничилик муносабатлари яхшиланишига хизмат қилаётир.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасида кенг қамровли ва чуқур ислоҳотлар амалга оширилиши баробарида миллий парламентимиз фаолиятининг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилди, қонун чиқарувчи ҳокимият мавқеи юқори поғонага кўтарилди. Энг асосийси, қабул қилинган қонунларнинг сифати сезиларли даражада ошди. Қонунларни қабул қилишда сиёсий партиялар фракцияларининг роли кучайди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 12 июлдаги Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан учрашувдаги маърузасидан сўнг парламент ва сиёсий партияларнинг, депутатлик бирлашмаларининг фаолияти тубдан кучайди. Қонун ижодкорлиги, парламент назорати ва халқ билан мулоқот қилиш борасида мутлақо янгича, самарали тизим йўлга қўйилди. Қонун ижодкорлиги соҳасидаги фаоллик, қонун лойиҳаларини кескин баҳс-мунозара асосида кўриб чиқиш, кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйиш натижасида ҳаётга яқин қонунлар ишлаб чиқилаётир. Давлатимиз раҳбарининг миллий парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши керак, деган ғояси амалда ўз ифодасини топмоқда.

Миллий тикланиш ғоясини амалга ошириш, барқарор миллий ривожланишни таъминлашни бош мақсад қилиб олган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси мамлакатимизда сиёсий партиялар самарали фаолият олиб бориши учун яратилган шароит ва имкониятлардан фойдаланган ҳолда ўз фаолиятини янгича асосда ташкил этмоқда. Барча даражадаги партия ташкилотлари ва депутатлик корпуси эскича ишлаш услуби, қуруқ тадбирбозликдан воз кечиб, асосий эътиборни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ушбу тарихий учрашувдаги маърузасида белгиланган устувор йўналишларни амалга оширишга қаратмоқда. Жумладан, партиямиз ва Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ўртасида ҳамкорлик Меморандумлари имзоланиб, ҳамкорликда амалга ошириладиган чора-тадбирлар белгилаб олинди. Унга асосан партия фракцияси томонидан Маданият вазирлиги билан ҳамкорликда "Маданият тўғрисида"ги қонун лойиҳаси, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда "Туризм тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни янги таҳрирда тайёрланмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимиздаги мавжуд маданий мерос объектларини асраб қолиш ва тарихий ёдгорликларни реконструкция қилиш, таъмирлаш, консервациялаш, уларнинг чегаралари ва муҳофаза ҳудудларини белгилаш, кадастр рўйхатидан ўтказиш партиямиз олдида турган муҳим вазифа саналади. Шу боис Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Маданият вазирлиги билан ҳамкорликда белгиланган чора-тадбирларга асосан юртимиз ҳудудидаги маданий мерос объектларининг бугунги ҳолатини ўрганди. Партия ташкилотлари, депутатлар, экспертлар ҳамда партия фаоллари томонидан мамлакатимиздаги мавжуд 5 минг 500 дан ортиқ моддий-маданий мерос объектлари ҳақида ҳудудлар кесимида фото материаллар ҳамда ушбу объектлар ҳолатига доир маълумотлар йиғилиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Маданият вазирлигига тақдим қилинди.

Ўтган давр мобайнида партия фракциясининг қонун ижодкорлиги, қонун лойиҳалари ташаббуси фаолиятида ҳам ўзгаришлар кузатилди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформаси ижросига ва электорат манфаатлари ҳимоясига хизмат қилувчи учта қонун лойиҳаси — мамлакатимизда энергетик ичимликларни ишлаб чиқариш, истеъмол қилиш ва сотишни чеклаш бўйича "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги, "Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклаш тўғрисида"ги ҳамда Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳалари партия фракцияси аъзоларининг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.

Видеоселектор йиғилишида белгиланган вазифалар асосида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси "Ёшлар қаноти" фаолияти ҳам янада такомиллаштирилиб, "Хизмат — беминнат", "Навоий борислари", "Депутат билан юзма-юз", "Уйма-уй" лойиҳалари ҳаётга татбиқ этилди. Мазкур лойиҳалар доирасида минглаб ёшларга қўшимча бепул таълим бериб келинмоқда, уларнинг муаммолари ўрганилиб, ўз ечимини топмоқда. Кўрик-танловлар воситасида юзлаб иқтидорли ва истеъдодли ёшлар кашф этилаётир.

Бир сўз билан айтганда, мустақиллигимизнинг ўтган қисқа даврида ҳар бир соҳа ва йўналишда туб ўзгариш ҳамда янгиланишлар рўй бергани баробарида сиёсий партиялар фаолиятида ҳам олдинга силжиш, ҳуқуқий демократик давлат, адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида фаол саъй-ҳаракатлар кузатилди. Мустақиллик шодиёналарини кенг нишонлашга тайёргарлик жараёнида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ташкилотлари ва депутатлари ҳам фаол иштирок этиб, ўтган даврда мамлакатимиз эришган ютуқ, марраларни аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш, юртимиз ва жаҳон жамоатчилигига етказиш, Истиқлол берган имкониятларни айниқса, ёш авлод вакилларига ҳаётий мисоллар билан тушунтиришга ўз ҳиссасини қўшмоқда. Бинобарин, халқимизнинг тарихий ютуғи сифатида мустақилликнинг Ватанимиз ва миллатимиз ҳаётидаги ўрни, қадр-қиммати ва аҳамияти тобора ортиб бораверади.

Сарвар ОТАМУРАТОВ,
ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси

Фракция позицияси

ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ ҚИЗҒИН МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда бир қатор соҳа ва йўналишларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Қуйи палата мажлисига қадар Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари ҳам қонун лойиҳаларини қизғин муҳокама қилдилар. Ҳар бир қонун лойиҳаси партия дастурий вазифалари, электорат манфаатлари ҳамда бугунги давр талабларидан келиб чиққан ҳолда кўриб чиқилди.

Фракция аъзолари қонун лойиҳалари бўйича ўз позициясини билдирди.



Дилфуза ЖАЛИЛОВА, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Президентимизнинг 2018 йил 11 апрелдаги "Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини янада қисқартириш ва соддалаштириш, шунингдек, бизнес юритиш шарт-шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонига асосан ишлаб чиқилган "Архив иши тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси соҳага оид муносабатларни янада такомиллаштиришга қаратилган. Ҳозирги кунда давлат архивларида 8,6 миллиондан ортиқ, идоравий архивларда Ўзбекистон Республикасининг Миллий архив фонди ва унинг нодавлат қисмига тегишли бўлган 1,2 миллиондан ортиқ сақлов бирлигидаги архив ҳужжатлари сақланмоқда. Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши Миллий архив фондининг давлатга тегишли бўлмаган қисми таркибига киритилган архив ҳужжатларини тасарруфдан чиқариш, универсал ҳуқуқий ворислик тартиби ёхуд бошқа усулда бир шахсдан иккинчи шахсга ўтказиш бўйича рухсат бериш жараёнларини қисқартиришга имконият яратади.



Абдурашид ТЎХТАБОЕВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— "Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам қизғин муҳокама қилинди. Мазкур қонун лойиҳаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш, тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат этиш тартиб-таомилларини соддалаштириш, айрим рухсат этиш ҳужжатларини бекор қилиш орқали тадбиркорлик субъектларига янада қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида ишлаб чиқилган. Айни шу мақсадда Божхона кодексининг қатор моддаларига ўзгартириш киритиш ҳамда айрим моддаларини ўз кучини йўқотган, деб топиш таклиф этилмоқда. Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши рухсат этиш ҳужжатларини бекор қилиш орқали тадбиркорлик субъектларига янада қулай шарт-шароитлар яратади, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонига мувофиқлаштиришни таъминлайди.



Даврон ОРИПОВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— "Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 198[1] ва 287-моддаларига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасида суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ихтиёрий ижро этишдан бўйин товлаётган шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чораларининг адолатлилиги, мутаносиблиги ва муқаррарлигини таъминлаш масалалари ўз ифодасини топмоқда. Фуқароларнинг ҳақли эътирозлари инобатга олиниб, маъмурий жавобгарлик учун жарима миқдори қарздорлик миқдоридан келиб чиққан ҳолда 5 бараваргача туширилмоқда. Яъни ижро ҳужжатларини ўз вақтида бажармаслик учун маъмурий жазони қарздорлик миқдоридан келиб чиқиб белгилаш, жумладан, энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баравари ва ундан кам бўлган қарздорликни ихтиёрий тўламаганлик учун жарима миқдорини жисмоний шахсларга энг кам ойлик иш ҳақининг 1 бараваридан 5 бараваригача, мансабдор шахслар учун 5 баравардан 10 бараваргача белгилаш назарда тутилмоқда.

Муҳтарама КОМИЛОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Дастур ижроси доирасида

"ТЕМУР МАЛИК" — ОБОД МАҲАЛЛА БЎЛАДИ

Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган "Обод маҳалла" дастури бугун ҳаётга изчил татбиқ қилинмоқда. Юртимизнинг ҳар бир гўшасида ушбу дастур доирасида кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилаётир. Аҳоли фаровонлигини таъминлашга қаратилган "Обод маҳалла" дастури асосида одамларга муносиб турмуш шароитлари яратилиб, кенг имкониятлар эшиги очиб берилмоқда. Мазкур дастур ижросини таъминлашга ҳомийлар, ташкилот ва корхоналар вакиллари, ҳашарчилар камарбаста бўлмоқда.

Сирдарё вилоятида ҳам ушбу ҳаётбахш дастур доирасида қатор маҳаллалар обод бўляпти. Хусусан, ўтган асрда чўлни ўзлаштириш жараёнида бунёд бўлган Янгиер шаҳри қайта жамол очаётир. Шаҳарнинг "Темур Малик" маҳалла фуқаролар йиғинида ободонлаштириш ва қурилиш ишлари қизғин руҳда амалга оширилаяпти. Шу боис бу ер ҳар куни гавжум — қурувчилар, унга бош бўлган мутасаддилар, маҳалла фаоллари ҳудуд ободлиги учун меҳнат қилмоқда. Турли жамоат ташкилотлари, Ёшлар иттифоқи вакиллари, депутатлар аҳоли билан учрашиб, уларнинг муаммоларини ўрганмоқда.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий ва Сирдарё вилоят кенгашлари вакиллари "Обод маҳалла" дастури ижросини ўрганиш мақсадида Янгиер шаҳрида бўлди. Улар Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган "Обод маҳалла" дастури доирасида шаҳарнинг Темур Малик маҳалласидаги ободонлаштириш ва қурилиш ишларига кўмаклашиш, маҳалла аҳолиси билан мулоқот қилиш, уларнинг муаммоларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратди.

Бугун "Темур Малик" маҳалла фуқаролар йиғинида йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация тизимини, оқава сув иншоотлари ва тармоқларни, чиқинди йиғиш ишлари, электр таъминоти, тунги ёритиш тизими, табиий ва суюлтирилган газ таъминотини яхшилаш, бозор инфратузилмаси объектлари, якка тартибдаги уй-жойларни таъмирлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

— "Темур Малик" маҳалла фуқаролар йиғини 1996 йилда ташкил топган, — дейди Янгиер шаҳар уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи Акмал Эгамқулов. — Маҳалла фуқаролар йиғинининг умумий майдони 52,5 гектар, экин ер майдони 19,7, турар жой майдони 32,8 гектар. 4 ярим мингга яқин аҳоли, 1 минг 850 оила 37 та кўп қаватли ва 690 та якка тартибдаги уйларда истиқомат қилади. Жами хонадонлар сони 1 минг 260 тани ташкил этади. Бугунги кунда маҳалла аҳолисига ҳудуддаги мавжуд 56 маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси, давлат санитария эпидемология назорат маркази хизмат кўрсатиб келади. Шунингдек, маҳаллада тиббиёт коллежи, 4-умумтаълим мактаби, 13-сонли "Қўнғироқча" мактабгача таълим муассасаси жойлашган. "Темур Малик" МФЙда "Обод маҳалла" дастури доирасида 18 миллиард 927 миллион сўмлик қурилиш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш режалаштирилган. Маҳалладаги ҳар бир кўп қаватли уй ва кўчалар учун масъуллар бириктирилди. Маҳаллада рўйхатдан ўтган тадбиркорлик субъектлари вакиллари дастур билан таништирилиб, давлат-хусусий сектор шерикчилиги асосида ободонлаштириш ишларида қатнашишга таклиф этилди.

Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Козим Жалилов бизни янги қурилаётган спорт мажмуаси томон бошлади. Қурилиши дейрли тугай деб қолган бу иншоотда барча шароит яратилган. Болалар майдончасидаги ўзига хос шаршарали, манзарали ландшафт ҳавасингизни келтиради. Сувнинг жилдираб айланиб оқиши ўзгача кайфият бағишлайди. Бассейндаги ҳовуз тўла сув, атрофидаги қатор стол-стуллар бу ерда тамомила янгича шароит яратилганидан дарак бериб турибди.

— Спорт мажмуаси ўрин олган жой бундан олдин маҳалламизнинг энг ташландиқ ҳудуди саналарди, — дейди "Гранд спорт Янгиер" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Ғафур Раҳмонов. — Буни қуриш учун жами икки миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфладик. Шундан тўрт юз миллион сўми кредит маблағидир. Биз фойдадан ҳам кўра элга хизмат қилишни биринчи ўринга қўйдик. Ушбу мажмуа ёнидан замонавий ҳаммом қуришни ҳам режалаштирганмиз. Маҳалламиз обод, тоза бўлса, ўзимиз, фарзандларимиз ҳаётдан баҳра олиб яшаймиз. Шаҳримизнинг меъморий қиёфасига ҳам ўзига хос ҳисса қўшилади.

Дарҳақиқат, юртимизда фидойи, ҳамюртлари манфаатини ўйлайдиган, жонкуяр тадбиркорлар жуда кўп. Ана шундай тадбиркорларимизга имтиёзли кредитлар кўпроқ ажратилса, давлат ҳам, жамият ҳам, тадбиркорнинг ўзи ҳам фойда кўриши шубҳасиз.

Партия вакиллари дастур ижроси доирасидаги ишлар билан танишиш баробарида аҳоли хонадонларига кириб, мулоқот қилдилар. Улар дастлаб Роза Ваҳобова хонадонида бўлиб, уй эгалари билан суҳбатлашди. Роза Ваҳобова ярим гектар ерда лимончилик учун иссиқхона барпо этган. Ўз маблағи ҳисобидан бу ишни йўлга қўйган аёл кредит олиб, фаолиятини янада ривожлантириш ниятида. Лимончилик маҳалладошларининг ҳам қизиқишини оширмоқда.

Партия вакиллари маҳаллада ЎзМТДПнинг "Хизмат — беминнат" лойиҳаси доирасида йўлга қўйилган бепул ўқув курслари ва тўгараклар фаолияти билан ҳам танишди. Айни пайтда бу ерда тикувчилик, дурадгорлик, қандолатчилик каби тўгараклар фаолият кўрсатяпти.

— Бугунги кунда тўгарагимизнинг ўндан зиёд аъзоси бор, — дейди ўқув курси раҳбари Зарина Ражабова. — Уларга қандолатчилик сирларини ўргатяпман. Азиза Эгамназарова, Мадина Ҳасанбоева, Шарофат Отажонова сингари шогирдларим қандолатчилик сирларини яхшигина ўзлаштириб, бугун турфа пиширикдар тайёрлашяпти. Эртага бир хонадоннинг бекаси бўладиган қизларимиз вақтдан унумли фойдаланиб бирор касб-ҳунарни пухта эгалласа, ҳаётда қийналишмайди, оиласига ҳам кўмак бўлади.

ЎзМТДП вакилларининг кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар хонадонларига бориб, ҳол сўраётганидан хабар топган тўғарак аъзолари ўзлари тайёрлаган торт ва пиширикдардан бирор оилага етказишимизни сўради. Тикувчилик тўгарагининг чевар қизлари эса парда совға қилишни маъқул кўришди. Яхши ташаббус шу кичкина маскандa ҳам тезгина қулоч ёйганидан мамнуният ҳис этдик.

Партия вакиллари 9-уй 9-хонадонда истиқомат қилувчи Феруза Ибрагимова хонадонида ҳам бўлди. Турмуш ўртоғининг вафотидан сўнг икки ўғли билан қолган Феруза Ибрагимова яқинда яна бир кўргиликка дуч келди. Ўн икки яшар ўғли автоҳалокатга учраб, оёқлари синди. Бу фалокат ёш онани анча уринтирди. Яхшиям маҳалла аҳли, ака-укалари бор экан, қараб туришмади. Партия вакиллари аёл билан суҳбатлашиб турганида "Хизмат — беминнат" лойиҳаси доирасидаги тўғарак аъзолари ўзлари тикқан пардани Феруза опанинг меҳмонхонаси деразасига илиб қўйишга тутинди...

Шу маҳаллада кўп йиллардан бери истиқомат қилиб келаётган Надежда Боложенская ёлғиз кекса аёл. Партия вакиллари ва "Ёшлар қаноти"нинг бир гуруҳ ёшлари бу хонадонда ҳам бўлдилар. Партия вакиллари Надежда холага тўгарақчи қизлар тайёрлаган торт ва пиширикларни тақдим қилди. "Ёшлар қаноти" вакиллари эса аёлнинг уйини оқлашга, ҳовлисини ободонлаштиришга тушиб кетди...

— "Обод маҳалла" дастурини амалга оширишда халқ депутатлари Янгиер шаҳар Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзолари ҳам фаол иштирок этишга ҳаракат қиляпти, — дейди партия гуруҳи аъзоси Инобат Обидова. — Жумладан, аҳоли билан мулоқот қилиб, уларнинг муаммоларини ўрганяпмиз. Айниқса, кам таъминланган, шароити оғир оилалар, ёлғиз кексалар доимий эътиборимизда. Айни пайтда Темур Малик маҳалласидаги ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишларида кўмакдош бўлаяпмиз.

Мирзачўлнинг қоқ марказида жойлашган Темур Малик маҳалласи айни ўзгаришлар даврида. Бу эса одамлар кайфияти ва ҳаётий қарашларига ҳам ўз ижобий таъсирини кўрсатмоқда. Бундай ўзгаришларни мамнунлик билан кутиб олган одамлар янгилик яратиш, меҳнат қилиш иштиёқи билан яшамоқда.

Дарҳақиқат, партия вакиллари ва депутатларнинг халқ орасида бўлиб, уларнинг муаммоларига қулоқ тутиши, масалаларнинг ижобий ҳал этилишига кўмакдош бўлиши ЎзМТДП дастурий вазифаларига ҳамоҳанг. Бу саъй-ҳаракатлар ЎзМТДПнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлашга, халқ ишончини оширишга хизмат қилади.

Шоди ОТАМУРОД,
"Milliy tiklanish" мухбири

Депутатлик назорати

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

ДЕПУТАТЛАР ЭЪТИБОРИДА

Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, фуқароларнинг тиббий маданиятини юксалтириш нафақат мамлакатимиз, балки бутун дунё жамоатчилигини ўйлантираётган долзарб масала саналади. Шу боис мамлакатимизда унга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш доирасида шу йилнинг 16 январида Президентимиз бозорни сифатли, хавфсиз ва арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш чораларини кўзда тутувчи "Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида" фармон қабул қилди. Давлатимиз раҳбари мутасадди вазирлик ва ташкилотлар олдига ушбу долзарб масалани комплекс ўрганиш, зарур чора-тадбирлар кўриш вазифасини қўйди.

Белгиланган вазифаларни самарали амалга ошириш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари республикамиз бўйлаб аҳолининг соғлом овқатланиши ва соғлом турмуш тарзини ташкил этиш, тиббиёт муассасаларида фуқароларга тиббий ёрдам кўрсатиш ҳолатини ўрганмоқда. Ўрганиш натижалари маҳаллий Кенгашлар сессияларида атрофлича муҳокама қилинмоқда. Мазкур жараёнларда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг парламент қуйи палатасидаги фракцияси аъзолари ҳам фаол иштирок этаётир.

Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши сессиясида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ЎзМТДП фракцияси раҳбари Сарвар Отамуратов вилоятдаги ўрганиш натижалари юзасидан ахборот берди.

— Тошкент вилоятида тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, дори воситалари таъминоти ва бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини яхшилаш бўйича бир қатор ишлар бажарилган, — деди С.Отамуратов. — Хусусан, вилоятда оналар ўлими кўрсаткичи 43,9 промиллидан 30,8 гача, 1 ёшгача гўдаклар ўлими кўрсаткичи эса 11,3 дан 10,5 промиллигача камайганини алоҳида эътироф этиш лозим. Шу билан бирга, ўрганиш натижа ва таҳлиллари вилоятда айрим турдаги касалликлар, яъни юрак-қон томир, эндокрин, айниқса, қандли диабет, ўсма, руҳий-асаб касалликлари кўрсаткичлари ошганини кўрсатмоқда. Аҳоли вакиллари билан учрашувимизда шундай ҳолатлар аниқландики, фуқароларнинг кўпчилиги ҳатто ўз қон босимининг ҳолати ҳақида тасаввур ва тушунчага ҳам эга эмас. Бундан ташқари, аҳолининг ўз саломатлигига бўлган муносабати, масъулияти паст, эътибори суст. Бу эса, ўз навбатида, тиббиёт муассасалари ва мутасадди идораларнинг бу борадаги масъулиятини янада ошириш зарурлигини кўрсатади.

Сессияда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг соғлиқни сақлаш вазирлиги мутасаддилари билан бирга мактабгача таълим муассасалари, мактаблар, спорт таълим муассасалари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, олий таълим муассасалари, деҳқон бозорлари ва озиқ-овқат маҳсулотлари сотиладиган дўконлар, умумий овқатланиш объектлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари, тиббиёт муассасаларида олиб борган ўрганишлари натижалари ҳам атрофлича таҳлил қилинди.

Ўрганишлар давомида Қибрай туманида жойлашган 1-сонли умумтаълим мактабида таъмирлаш ишлари якунига етишига қарамасдан мактаб ошхонаси ҳали таъмирталаб, санитария-гигиеник ҳолати қониқарсиз аҳволда эканлиги, 35-сонли "Ниҳол" мактабгача таълим муассасаси эски мослаштирилган бинода жойлашган бўлиб, ушбу муассасада ҳам қатор муаммолар мавжудлиги аниқланди. Шунингдек, "Бухоро" шарқ таомлари кафеси таъмирланган бўлишига қарамасдан, ошхона умуман санитария-гигиена талабларига жавоб бермайди. Шунингдек, мактабгача таълим муассасаларининг кунлик, ойлик таомномалари ўрганилганда айни пишиқчилик даври бўлса-да, микронутриенлар, витаминлар етарли даражада таъминланмаган.

Мавжуд ҳолат ва таҳлиллар бу борадаги ишлар самарадорлигини кучайтиришни тақозо этмоқда. Аҳолига тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш ҳамда тиббий хизматлар сифатини ошириш, оилаларда тиббий маданиятни юксалтириш бўйича дастур ва чора-тадбирлар белгилаб олиш лозим. Бунинг учун, аввало, аҳолининг турли гуруҳларига мўлжалланган соғлом овқатланиш масалалари бўйича ўқув дастурларини тайёрлаш муҳим вазифа саналади. Шунингдек, озиқ-овқат хавфсизлигига таъсир қиладиган хавф-хатар пайдо бўлишига қарши эҳтиёт чораларини кўриш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Депутатлар мамлакатда озиқ-овқат хавфсизлигининг мезон ва индикаторларини ишлаб чиқиш, доимий мониторинг олиб бориш зарурлигини таъкидлашди.

Сессияда муҳокама этилган мазкур масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

* * *

Қашқадарё вилоятида ҳам аҳолининг соғлом овқатланиш ва соғлом турмуш тарзини юритиш бўйича олиб борилаётган ишлар боғча, мактаб, спорт мактаблари, тиббиёт муассасалари, маҳаллалар мисолида ўрганилди. Бу жараёнда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитаси раиси, ЎзМТДП фракцияси аъзоси Иноят Ҳожиев фаол иштирок этди.

— Ўрганишлар давомида вилоятдаги умумтаълим мактабларига қарашли 628 ошхонанинг 50 фоизи таъмирталаб, 26 таси фойдаланишга яроқсиз ҳолатда, 326 мактабда ошхоналар фаолият кўрсатмаётгани аниқланди, — дейди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Иноят Ҳожиев. — Шундан 148 мактаб ошхонасини таъмирлаш 2019-2021 йилларга мўлжалланган манзилли дастурга киритилган. Шунингдек, айни пайтда, вилоят бўйича рўйхатга олинган 13 минг 200дан зиёд ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг овқатланиши белгиланган меъёрларга тўғри келмайди. Яъни кунлик меъёрларда белгиланган ёғ, углевод, оқсил таркибларининг номутаносиблиги мавжуд. Бу эса мавжуд ҳолат юзасидан тегишли чора-тадбирлар кўриш, маҳалла фаоллари томонидан аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи ва соғлом овқатланишни ташкил этиш борасида амалий ишлар олиб борилиши зарурлигини кўрсатади.

Ишчи гуруҳлар вилоятдаги бозорлар фаолиятини ҳам ўрганди. Ҳозирда вилоятда 43 деҳқон бозори фаолият юритяпти. Шундан 21 тасида ветеринария санитария экспертиза лабораториялари ишлаб турибди. Ҳафтада бир кун ташкил этиладиган бозорлар 22 та бўлиб, улар жойлардаги маҳаллий ветеринария участка ходимларига бириктирилган, лекин бу бозорларда бирорта лаборатория ташкил этилмаган.

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиясида мана шу каби қатор долзарб масалалар муҳокама қилиниб, ҳудудда соғлиқни сақлаш тизимидаги, айниқса, аҳолининг репродуктив саломатлиги бўйича олиб борилаётган ишлар, кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифати, тиббиёт ходимларининг беморларга бўлган муносабатларини яхшилаш зарурлиги қайд этилди.

Мазкур ўрганишлар ва улар натижасида кўрилаётган амалий чора-тадбирлар халқимизнинг соғлом ҳаёт кечиришига, юртдошларимизнинг умрини узайтиришга ҳисса қўшиб, фарзандларимизни баркамол этиб вояга етказишга хизмат қилади.

Умида УЗОҚОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Истиқлол шукуҳи

Истиқлол айёмига ҳам саноқли кунлар қолди. Айни кунларда ЎзМТДПнинг барча ҳудудий ташкилотларида ҳам қутлуғ сана муносабати билан турли тадбирлар, фестиваллар ташкил этилмоқда.

"ВАТАН УЧУН ЯШАЙЛИК!"

ШУ МАВЗУДА ҲУДУДЛАРДА БАЙРАМ ТАДБИРЛАРИ БЎЛИБ ЎТМОҚДА

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Наманган вилоят кенгаши "Аёллар қаноти" томонидан Чуст туманида ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда мамлакатимиз мустақиллигининг 27 йиллик айёмига бағишлаб **"Азиз ва ягонамсан, жонажон Ўзбекистоним!"** шиори асосида "Ватан учун яшайлик!" мавзусида хотин-қизлар фестивали ўтказилди. Унда ўсиб келаётган ёш авлод қалбида юрт тинчлиги ва равнақи учун дахлдорлик ҳиссини кучайтириш, бу борада оиладаги тарбиянинг аҳамиятини янада оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Чустнинг сўлим ва баҳаво маскани — Мавлоно Лутфиллоҳ номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтган фестиваль доирасида меҳнат ярмаркаси ҳам ташкил этилиб, унда корхона, ташкилот ва муассасалар мингдан зиёд бўш иш ўрни билан қатнашди. Ярмаркага келган фуқаролар, хусусан, ёшлар ва хотин-қизлар иш берувчилар билан бевосита мулоқот қилиб, меҳнат шарт-шароитлари ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлдилар. Бунинг натижасида 230 кишининг бандлиги таъминланди. Шундан 200 нафар ёш битирувчи ва ишсиз педагоглар мактаб, 20 нафар хотин-қиз мактабгача таълим муассасалари ва бошқа ташкилот ва корхоналарга ишга жойлаштирилди. Бундан ташқари, тумандаги 70 маҳалла фуқаролар йиғинида иш билан банд бўлмаган фуқаролар учун мўлжалланган мавсумий жамоат иш ўринларига 118 киши жалб этилди. Ярмарка якуни бўйича жами 348 нафар фуқаро ишли бўлди.

— Ўтган йили Наманган давлат университетининг ижтимоий-иқтисодий факультетини тарих йўналиши бўйича тамомлаб, вақтинча ишсиз юрган эдим, — дейди Гулруҳ Омонова. — Меҳнат ярмаркаси ўтказилишидан хабар топиб, тадбирга келдим. Иш берувчилар билан суҳбатлашиб, ярмарканинг ўзида туманимиздаги 38-умумтаълим мактабига ихтисослигим бўйича ишга жойлашдим. Бундан беҳад хурсандман ва тадбир ташкилотчиларига, хусусан, "Миллий тикланиш" демократик партияси Чуст туман кенгашига раҳмат айтаман.

Тадбир доирасида ўтказилган Чуст туманининг ижодкор ёшлари ва қўлгул ҳунармандлари ижодий ишлари кўргазмаси нафақат иштирокчилар, балки хорижлик сайёҳларни ҳам ўзига жалб этди.

— Партиянинг "Хизмат — беминнат" лойиҳаси доирасида очилган ўқув курсида ёшларга ўз қизиқишидан келиб чиқиб "устоз-шогирд" анъаналарини давом эттирган ҳолда дўппидўзлик ҳунарини ўргатмоқдамиз, — дейди тумандаги "Биби она" маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи қўлгул ҳунарманд Нурхон Бойбоева. — Қизларнинг ушбу ҳунарга бўлган қизиқиши тобора ортиб бормоқда. Бу лойиҳа ёш авлод камолотига йўналтирилгани учун ҳам бугун самарасини бераётир.

Шунингдек, фестивал доирасида тумандаги тожик миллий маданий маркази томонидан "Фарзандларингмиз сени, Ўзбекистон!" мавзуида дўстлик кўргазмаси ташкил этилди. Унда икки халқнинг ўзаро аҳил ва дўст бўлиб яшаётгани, мамлакатимизда барча миллат ва элат қатори тожик миллатига мансуб фуқароларнинг ҳам тенг ҳуқуқлилик асосида эмин-эркин ва фаровон ҳаёт кечираётгани, юртимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб бораётгани турли фото ва видео лавҳалар, кўргазмали воситалар орқали кенг ёритилган.

Фестиваль Чуст туман маданият бўлими санъаткорлари иштирокидаги "Азиз ва ягонамсан, жонажон Ўзбекистоним!" номли концерт дастури билан якунланди.

Оқилхон ДАДАБОЕВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Тадбирда "Оилаларда маънавий муҳитни барқарорлаштиришда, ёшларни маънан баркамол қилиб тарбиялашда аёлнинг ўрни", "Эрта турмуш ва эрта туғруқнинг олдини олиш" каби мавзуларда аёллар билан очиқ мулоқотлар ўтказилиб, уларни қийнаётган кўплаб саволларга соҳа мутахассислари томонидан жавоб берилди. ЎзМТДП фаолларидан бўлган ижодкор аёллар ўз шеърларидан намуналар ўқидилар.

Партиянинг "Хизмат— беминнат" лойиҳасида бевосита иштирок этиб, хотин-қизларга билим бераётган, касб-ҳунар ўргатаётган фаол ўқитувчилар, мутахассисларга фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

Нигора НУРЛАЕВА,
ЎзМТДП Хоразм вилоят кенгаши етакчи мутахассиси

Сайёр қабул

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Андижон вилоят кенгаши фаоллари Бўз туманида сайёр қабул ташкил этди. Партия вилоят ва туман кенгашлари вакиллари ҳамда корхона ва ташкилотлар ходимлари иштирок этган очиқ мулоқотда "Чорвадор", "Меҳнатобод", "Мустақилликнинг 15 йиллиги" ва "Ғолиб" маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида истиқомат қилувчи фуқаролар ўзларини ўйлантираётган масалалар билан мурожаат қилди.

БЎЗЛИКЛАРНИНГ БИР НЕЧА МУАММОСИ ЎЗ ЕЧИМИНИ ТОПДИ

Тадбир аввалида партия вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони раҳбари Б.Қурбонов юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган мақсад-вазифалар, жумладан, қишлоқ ва маҳаллаларда аҳолининг яшаш шароитларини тубдан яхшилаш, ҳудудлар қиёфасини замонавийлаштириш, унда истиқомат қилувчи аҳоли учун иш ўринларини яратишга қаратилган "Обод қишлоқ" дастури мазмун-моҳиятига тўхталди. Мазкур дастурнинг ҳаётга жорий этилиши қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартириш баробарида ҳудудларда истиқомат қилаётган юртдошларимизнинг эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлаши таъкидланди. Шундай экан, бу жараёнларда сиёсий партиялар ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоғи лозим.

Сайёр қабулда сўзга чиққанлар бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий, маиший ва ҳуқуқий муаммоларга дуч келаётган фуқароларнинг ариза, таклиф ва шикоятлари Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонуни талаблари асосида кўриб чиқилиб, ўз ечимини топаётганини таъкидлади.

Сайёр қабулда фуқаролардан йигирмага яқин оғзаки мурожаат келиб тушди ва уларнинг аксарияти ўз жойида ечим топди.

Хусусан, "Гузар" маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи фуқаро Қўзибой Эргашев ҳудуд ёшларини иш билан таъминлашда амалий ёрдам сўради. Фуқаро мурожаатига жавобан туманда "Сайёра фаввораси" номли янги корхона тез кунларда очилиши, унга коллеж битирувчилари ва уюшмаган ёшлар, жумладан, гузарликлар ҳам ишга қабул қилиниши айтилди. Корхона ўз фаолиятини бошлагунга қадар маҳалла ёшлари ЎзМТДП Бўз тумани кенгаши қўмагида партиянинг "Хизмат — беминнат" лойиҳаси доирасидаги бепул ўқув курсларида тикув-тўқимачилик йўналиши бўйича малака оширишга йўналтириладиган бўлди.

Шунингдек, сайёр қабулда "Чорвадор" маҳалла фуқаролар йиғинида яшайдиган фуқаро О.Султонова Соҳибкор кўчаси йўлларини таъмирлаш, "Мустақилликнинг 15 йиллиги" маҳалласида истиқомат қилувчи О.Қўчқорова эса ҳудуддаги ичимлик суви танқислиги муаммосини ҳал этишда амалий ёрдам сўраб мурожаат қилди.

"Автозил сервис" хусусий корхонаси раҳбари Жамолиддин Бувашев эса "Чорвадор" маҳалласида жойлашган, муқаддам "Истиқлол" болалар оромгоҳи бўлган ҳудуддаги дарахтлар сувсизликдан қуриб бораётгани, бу жой қаровсизликдан чиқиндиларга тўлиб ташландиқ ҳолга келганлигини айтиб, уни обод манзилга айлантириш мақсадида тадбиркорларга бериш таклифини билдирди.

Мурожаатларга партия фаоллари ҳамда тумандаги мутасадди ташкилот раҳбарлари томонидан жавоб қайтарилиб, мавжуд муаммолар қонун доирасида тез орада ҳал қилиниши таъкидланди. Мутасаддилар сайёр қабулдан сўнг маҳаллаларга бориб, мавжуд муаммоларни жойида ўргандилар ва тегишли чора-тадбирлар кўрилишига келишиб олинди.

Беҳзод ЮСУПОВ,
ЎзМТДП Андижон вилоят кенгаши матбуот котиби

Давлат дастури — амалда

ШОФИРКОНЛИК ЁШЛАР БАНДЛИГИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

БУНДА ЎзМТДП ФАОЛЛАРИ ҲАМ МУНОСИБ ИШТИРОК ЭТМОҚДА

Шу йилнинг 1 июлидан бошлаб ёшларнинг бизнес ташаббуслари, ғоялари ва лойиҳаларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш ва қўллаб-қувватлаш, банд бўлмаган ёшларни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган мутахассисликлар ва бизнес юритиш кўникмаларига ўқитиш, умуман, ёшларнинг иқтисодий-ижтимоий фаоллигини ошириш, бандлигини таъминлашга қаратилган "Yoshlar — kelajagimiz" Давлат дастури республикамизнинг барча ҳудудида амалга оширилмоқда. Буни ушбу дастур доирасида Шофиркон туманида амалга оширилаётган тизимли ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин.



Дастлаб туман штаби таркиби тасдиқланди, маҳаллаларда ўрганишларни ташкил этиш бўйича 245 нафар аъзодан иборат 14 ишчи гуруҳи шакллантирилди. Ишчи гуруҳлар фаолияти мувофиқлаштирилиб, маълумотлар умумлаштириб борилмоқда. Мазкур гуруҳлар шу кунга қадар 50 маҳалла фуқаролар йиғинидаги 32 минг 300га яқин хонадонга кириб, 43 мингдан зиёд йигит-қиз билан суҳбат ўтказди. Уларда 8 мингдан зиёд ёшлар турли масалалар бўйича мурожаат қилди, уларнинг аксарияти жойида ҳал этилди.

Ушбу жараёнда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси туман кенгаши фаоллари ва депутатлари ҳам муносиб иштирок этишга интилмоқда. Улар уйма-уй юриб, ҳудуд ёшлари тўғрисида маълумотлар базасини шакллантириш, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагидаги ёшларга кўмаклашиш, кредитлар ажратилишида амалий ёрдам бериш каби вазифаларни амалга оширмоқда.

Партия фаоли Саиджон Ҳамроевнинг таъкидлашича, ўрганишлар давомида 97 нафар ёш тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдириб, мурожаат қилган. Шундан 26 нафари ҳозирги кунда ёш тадбиркор сифатида туман Давлат хизматлари маркази рўйхатидан ўтган. Айни пайтда тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш учун кредит ажратилишини сўраб мурожаат қилган 813 нафар ёшнинг рўйхати шакллантирилди, ер майдони ажратилишида ёрдам сўраган 74 йигит-қизнинг 12 нафарига ер майдони ажратилди. Бундан ташқари, мазкур дастур доирасида тумандаги "Қайрағоч", "Жўйработ", "Чандир", "Искогаре", "Тезгузар" маҳалла фуқаролар йиғинларида "Yoshlar mehnat guzari" мажмуаси қуриш учун ер майдони ажратилиб, ишлар бошлаб юборилди.

— Ушбу дастур ижроси жараёнида ҳудуд ёшлари ҳам фаол иштирок этаётир, — дейди ишчи гуруҳ аъзоси, халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Алишер Обидов. — Масалан, "Боғиафзал" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи ёш тадбиркор Ҳурматилло Пўлатов ўзи бошқараётган "Ҳурматиллохўжа" масъулияти чекланган жамиятида "Порлоқ келажак" бренди остида 43 хилдан ортиқ полиэтилен маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйган ва ўзи каби 4 нафар ёшни доимий иш билан таъминлаган. Ёш тадбиркор айни пайтда мазкур Давлат дастурида кўзда тутилган имтиёзлардан самарали фойдаланиш, ўз фаолиятини янада кенгайтириш ва қўшимча иш ўринлари яратишни режалаштирмоқда. У дастлаб полиэтилен чиқиндини қайта ишлашга мўлжалланган ишлаб чиқариш ускуналарини келтириб ишга тушириш ниятида.

Мухтасар айтганда, "Yoshlar — kelajagimiz" Давлат дастури ёшларнинг қизиқишлари, орзу-истаклари, режаларини рўёбга чиқаришга, мавжуд муаммо ва камчиликларни чуқур ўрганишга, уларнинг порлоқ истиқболи ва келажагини таъминлашга ҳизмат қилмоқда.

Муслима РЎЗИЕВА,
ЎзМТДП Бухоро вилоят кенгаши матбуот котиби

31 август — Қатағон қурбонлари хотираси куни

ХОРИЖДА ТАЪЛИМ ОЛГАН ВАТАНДОШЛАРИМИЗНИНГ АЯНЧЛИ ҚИСМАТИ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси юртимиз тарихининг барча босқичини ҳаққоний ва холис манбалар асосида ёритиш, халқимиз, айниқса, ёшларимиз қалбида миллий ўзликни англаш, миллий гурур туйғусини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев адабиёт, санъат ва маданият ходимлари билан бўлган учрашувида: "Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улуғ аждодларимиз бор...", — деб таъкидлаган эди. Зеро, ўзлигини, ўз тарихини унутмаган инсонгина юксак маънавиятли, букилмас иродали ва ҳақиқий ватанпарвар шахсга айланади.



Яқинда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси кўмаги билан "Ўзбек ёшлари ва хорижий таълим" номли китоб чоп этилди. Китоб совет ҳокимияти ҳукмронлиги шароитида ўзбек тараққийпарвар зиёлиларининг халқимизни тараққиётга бошлаш йўлидаги қаҳрамонона кураш тарихидан ҳикоя қилади. Ушбу китоб муаллифи, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи катта илмий ходими, тарихчи олим Баҳром ИРЗАЕВ билан бўлган суҳбатимиз ушбу китоб ва ўтган аср бошларида хорижда таълим олган ўзбек ёшларининг фаолияти ва аянчли ўтмиши хусусида бўлди.

— "Ўзбек ёшлари ва хорижий таълим" тўпламини чоп этиш зарурати ва унинг бугунги ёшларимиз маънавий-маърифий ҳаётидаги аҳамиятини қандай баҳолайсиз?

— XIX аср охири — XX аср бошларида Туркистонда вужудга келган жадид тараққийпарварлик ҳаракати кўп асрлик ўзбек халқи тарихида муҳим ўрин тутади. Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Абдурауф Фитрат, Чўлпон, Абдулла Авлоний, Исҳоқхон Ибрат сингари улуғ ватандошларимиз мустамлака зулми остида қолган Туркистон аҳлини маърифатга чорлаш, уларни жаҳон тамаддуни тараққиёти билан таништириш ва миллий истиқлол ғояси байроғи остида бирлаштириш йўлида улкан ишларни амалга оширдилар. Улар энг оғир дамларда ҳам истиқлол учун курашда собитқадам бўлган ва Ватан равнақини кўзлаб ёшларни чет элларда ўқитиш масаласига алоҳида эътибор қаратган.


Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг кўмаги билан чоп этилган ушбу китобда бугун нафақат ёшларимиз, балки кўпчилик катталар ҳам хабардор бўлмаган ўша таҳликали замонда чет элларда таҳсил олган ўзбек ёшларининг ҳаёти ва тақдири ҳақида архив ҳамда матбуот материаллари орқали жараённинг асл манзараси ёритилди. XX асрнинг биринчи чораги ўзбек миллий матбуотининг "Ишторокиюн", "Туркистон", "Фарғона", "Зарафшон", "Озод Бухоро" газеталари ва "Армуғон", "Билим ўчоғи", "Маориф ва ўқитувчи" журналлари саҳифаларида чоп этилган мақола ва хабарлар ҳеч бир ўзгаришсиз, қайта ишловлар, изоҳларсиз келтирилди. Мақсад — бугунги ёшларимизни ўтган асрда ижод этган улуғ ўзбек тараққийпарварлари ва ёшлари, уларнинг асл мақсад-матлаблари билан бевосита таништиришдан иборат.

— Ўтган асрнинг биринчи чорагида туркистонлик талабалар хорижий давлатлар ўқув муассасаларига юборилгани маълум. Ўша даврдаги сиёсий, ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий таҳликали вазиятда ўзбек ёшларининг муҳим йўналишлар бўйича хорижий давлатларга юборилишини мустабид тузим зулмидан озод бўлиш йўлида ташланган муҳим қадам сифатида баҳолаш мумкин...

— Албатта, ўтган асрнинг 20-йилларида юқорида номи келтириб ўтилган халқимизнинг фидойи фарзандлари, аввало, ўлкани асрий қолоқлик ботқоғидан қутқариш ва чор мустамлакачилиги даврида йўл қўйилган иқтисодий, маданий таназзулга чек қўйишга интилдилар. Жадидлар бу йўлда халқ маорифини тараққиётнинг энг ишончли қуроли деб билдилар. Аммо Туркистонда олий таълим муассасалари йўқ эди. Шу сабаб, Туркистон тараққийпарварлари, биринчи навбатда, Ғарбий Европанинг энг тараққий этган мамлакати — Германия эришган ютуқ ва тажрибаларни ўрганиш зарур, деб ҳисоблайди. Бу фавқулодда муҳим ва мураккаб лойиҳани амалга ошириш учун истеъдодли ёш йигит-қизларни танлаш, уларнинг ота-оналаридан рухсат олиш лозим эди. Шу мақсадда Тошкент жадидлари томонидан "Кўмак" уюшмаси тузилди ва Туркистондан турли йўллар билан хорижга талабаларни юбориш ҳаракатлари бошланди. Чет элга талабаларни юборишда



Агрономия соҳасида олий таълим олган хоразмлик Олимжон Қодирий Вицентаузен. 1923 йил.



Полиграфия соҳасида таҳсил олган бухоролик талаба Неъматжон Назруллаев



Текстил соҳасида олий таълим олган Муҳаммаджон Авазжонов. Берлин. 1924 й.

салалар билан боғлиқ, деган қарашлар мавжуд. Чунки ёшларни хорижга ўқишга жўнатиш ҳам катта маблағ талаб этган. Ҳали иқтисодий жиҳатдан оёққа туриб олмаган Туркистонда бу масала қандай ҳал қилинган эди?

— Ёшларни чет элда ўқитиш албатта, катта маблағ талаб қиларди. Бу борада айниқса, Файзулла Хўжаевнинг хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Унинг ташаббуси билан нафақат бухоролик ёшлар, балки туркистонлик барча талабалар ҳам моливий томондан қўллаб-қувватлаб турилган. Бухоро ҳукумати томонидан шу мақсадда 125 минг доллар пул, қоракўл терилари юборилди ва бу талабаларнинг 1924 йилгача яшашига етарди. Берлинда В.Гейсбергстрит кўчасидаги 39-уй ҳам сотиб олинди ва у туркистонлик талабалар уйига айлантирилди. "Кўмак" уюшмаси томонидан кўплаб хайрия тадбирлари ўтказилди ва тушган маблағлар биринчи навбатда ёрдамга муҳтож талабаларга жўнатиб турилди. Туркистон ва Бухоро ҳукумати биргаликда Россиядаги туркистонлик талабалар учун 150-200 ўринли ётоқхона сотиб олиб, таъмирдан чиқарган ва умуман, барча миллатпарвар зиёлилар чет элда таҳсил олаётган талабаларни қўллаб-қувватлаш ишига бош қўшгани эътиборга молик.

— Юқорида ёшларнинг таълим олишлари учун Туркистонда олий таълим муассасалари йўқ эди, дедингиз. Аммо советлар ва жадидлар томонидан ўша пайтда бир неча таълим даргоҳлари очилганлиги ҳақида ўқиганмиз...

— Тўғри, Туркистонда совет тузуми ўрнатилгач, 1918 йилнинг апрелида Тошкентнинг янги шаҳар қисмида Ўрта Осиё давлат университети очилди. Аммо ушбу таълим даргоҳининг педагог жамоаси ҳам, талабалари ҳам, асосан, европалик миллат вакиллари эди. Мисол учун, Туркистон давлат университетининг 1920-1921 ўқув йилидаги 2,5 минг талабасидан атиги 2 нафари, Дорул илми Шарқиянинг (Шарқшунослик институти) 200 талабасидан 3 нафари ўзбек фарзанди бўлиб, Тошкент темирйўл ишчилари факультетида ўқийдиган 70 нафар талаба орасида ўзбек миллатига мансуб биронта ўқувчи йўқ эди. Боиси, унга кириш имтиҳонлари ва дарслар тўлиқ рус тилида олиб борилган. Шунингдек, таълим даргоҳларида миллий камситиш ва шовинистик руҳнинг устунлиги ҳам ўзбек фарзандларининг ушбу таълим даргоҳларида ўқишига тўсқинлик қилган. Маҳаллий миллат вакиллари учун Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида Мунавварқори Абдурашидхонов раҳбарлигида Туркистон халқ дорилфунуни очилди. Самарқандда Маҳмудхўжа Беҳбудий томонидан ушбу дорилфунуннинг шўъбасини очишга киришилди. Аммо большевиклар ҳукумати бунга рухсат бермади. Советлар ўз ҳокимиятини мустаҳкамлагандан сўнг Туркистон халқ дорилфунуни ҳам ёпилди. Бу ҳол маҳаллий зиёлилар ва ёшларнинг жиддий қаршилигига сабаб бўлди ва талабаларни чет элларда ўқитиш ғояси яна қайтадан кун тартибида пайдо бўлди.

— Туркистон зиёлиларининг миллат эрки, озодлиги йўлида ташлаган дадил қадамлари, албатта, совет раҳбарларининг кескин қаршилигига учрагани, хусусан, чет элда таълим олган аксарият ватандошларимиз қатағон қурбонларига айлангани тарихдан маълум...

— Минг афсуски, шундай. Шўролар ҳукумати томонидан Германияда таҳсил олаётган туркистонлик ўқувчиларга нисбатан ишончсизлик йилдан-йилга ортиб борарди. Талабаларни ҳали ўқишини тамомламасдан турли хил баҳоналар билан ортга қайтариш сиёсати бошланади. Шу мақсадда улар фаолияти устидан назорат кучайтирилиб, жиддий тазйиқ кўринишини олади. Бу эса талабаларнинг ҳақли норозилигига олиб келди ва уларнинг бир қисми ватанга қайтишни ўзлари учун хавфли бўлиши мумкинлигини англаб етдилар. Айниқса, 1925 йилда Германияда бўлган Ўрта Осиё давлат университети ректори Мейерсоннинг туркистонлик ёшларни қайтариш тўғрисидаги талаби талабаларнинг жиддий қаршилигига учради. Натижада Мейерсон СССРга қайтгач, Германияда келажакда советлар мамлакати учун катта хавф туғдириши мумкин бўлган аксилсовет ва аксилинқилобий кучлар шаклланаётганига ҳаммани ишонтиришга интилади. Германияга Туркистон ҳукумати томонидан юборилган Турор Рисқулов, Охунжон Холмуҳаммедов, Муҳиддин қори Ёқубов ва Мажид Қодирий, Абдулла Раҳимбаев ва Набижон Қодиров вазиятни юмшатишга интиладилар. Бироқ ҳар нарсадан душман қидирувчи ГПУ (Давлат сиёсий бошқармаси) ташкилоти бу йўналишда ҳам қирғинни бошлаб юборди. 1929 йилда Абдуваҳоб Муродий ва Бадри Сайфулмулк алоҳида-алоҳида қамоққа олиниб маҳв этилди. 1932 йили Ўрта Осиё давлат университетида дарс берувчи Германияда таҳсил олиб қайтган Азиз Алихўжаев устидан иш очилади. 1938 йилнинг 4-9 октябрь кунлари эса Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган, илгари Германияда таҳсил кўрган талабаларнинг барчаси "жосус" сифатида отувга ҳукм этилди. Ваҳоланки, Германияга йўл олганларида уларнинг деярли кўпчилиги ҳали навниҳол ёшлар эди, жумладан, Бухородан Германияга ўқиш учун юборилган 44 ўқувчи ва талабанинг 5 нафари 20-24 ёш оралиғида, 9 нафари 17-19 ёш оралиғида, 14 нафари 13-16 ёшларда, 16 нафари 10-12 ёшда бўлган.

— Германияда таҳсил олган бир гуруҳ талабалар шўролар мамлакатига қайтишини ўзлари учун хавфли бўлиши мумкинлигини билгани ва ўша ёқларда қолиб кетганини таъкидладингиз. Уларнинг кейинги тақдири нима бўлган? Шулар ҳақда ҳам маълумотлар борми?

— Албатта бор, лекин жуда кам. Сафдошларининг фожиали тақдиридан хабар топиб, хорижда қолган туркистонлик ёшлардан (кейинроқ барчалари Туркияда қўним топган) иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Тоҳир Чиқатой, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор Иброҳим Ёрқин, тиббиёт фанлари доктори, профессор Абдуваҳҳоб Исҳоқ, геология ва минералогия фанлари доктори, профессор Аҳмаджон Иброҳимов ва Саида Шераҳмедова илмий ишларини давом эттириб, катта ютуқларга эришганлар.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Германияда таҳсил олган ўзбекистонлик талабаларнинг умумий сони юзга яқин бўлгани ҳолда бугун уларнинг бор йўғи 15 нафарга яқини ҳақидаги ахборот юртдошларимизга етказилган. Умуман, уларнинг илмий-ижодий меросини тўплаш, Европа матбуоти ва маҳаллий матбуот саҳифаларидаги, илмий журналлардаги мақолалари, таржималари, улар томонидан яратилган дарслик ва ўқув қўлланмаларини жамлаш, илмий тадқиқ қилиш жуда муҳим. Қолаверса, уларнинг Ватанга қайтгач ўтган қисқа даврда Ўзбекистон илм-фани, саноати ва қишлоқ хўжалигини бунёд этишдаги ҳиссасини, тоталитар тузум қатағон сиёсати қурбони бўлган бу ёшларимизнинг фожиали қисмати билан боғлиқ жараёнларни ўрганиш бугун олимларимиз олдида турган долзарб вазифа ҳисобланади.

— Суҳбатимиздан шу нарса маълум бўлдики, демак, бу борада ҳали қилинадиган ишлар жуда кўп. Ватанимиз тараққиётига ҳисса қўшиш ниятида илм излаб чет элга кетган ва мустабид тузум тазйиқлари сабаб ўзга юртларда қолиб кетган, қайтганлари ҳам ўрганган билимларини ҳалққа беролмай қатағон қурбонига айланган ҳар бир ватандошимизнинг хотирасини абадийлаштириш, уларнинг сўнгги ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

ЎзМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот котиби Равшан МАҲМУДОВ суҳбатлашди

Пойтахтимизда атоқли беларусь адиби ва жамоат арбоби Якуб Колас хотирасини ёд этиш ва унинг бюстига гул қўйиш маросими ўтказилди.

ИККИ ХАЛҚ АДАБИЙ ДЎСТЛИГИ ТИМСОЛИ



Тадбирда таниқли давлат ва жамоат арбоблари, илм-фан, маданият, санъат намояндалари, адабиёт соҳаси вакиллари, ёшлар, Беларусь Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ходимлари, Тошкент шаҳридаги "Свитанак" беларусь маданият маркази аъзолари иштирок этди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасининг ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда Якуб Коласнинг хотираси ёд этилиб, юксак ҳурмат кўрсатилди. Адиб ижодий фаолияти мисолида ўзбек ва беларусь адабий алоқаларининг келгуси истиқболига эътибор қаратилди.



Тадбирда таъкидланганидек, ўзбек ва беларусь халқлари ўртасидаги даврлар синовидан ўтган дўстлик ва биродарлик алоқалари бугунги кунда янги босқичга кўтарилмоқда. Дўстлик, ҳамкорлик ришталарининг мустаҳкамланишида адабиётнинг ўрнини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди.

Назм, наср, драматургия, адабиётшунослик, бадиий публицистика жанрларида бирдай баракали ижод қилган Якуб Колас ҳам беларусь адабиётининг ёркин вакилларидан бири ҳисобланади.

Якуб Колас ҳаётида Ўзбекистон алоҳида ўрин тутади. Иккинчи жаҳон уруши давом этаётган 1941-1943 йилларда у ўзи фаолият кўрсатаётган Беларусь Фанлар академияси таркибида Тошкентга кўчиб келиб, икки йилдан зиёдроқ вақт оиласи билан шу ерда яшаган. Бу даврда Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Мақсуд Шайхзода сингари ўзбек адабиёти вакиллари билан мустаҳкам ижодий ҳамкорлик ўрнатади.

Тошкентда яшаган вақтида адиб "Ўз яқинларимга", "Рим – Берлин ёйида", "Она ер ҳимоячиларига", "Курашувчи халққа", "Ер овози" каби ўнлаб шеърлар, "Душман билан учрашув", "Доя Таня", "Разведкада" қиссаларини ёзади.

Бугунги кунда ҳам Ўзбекистонда Якуб Колас ижодига қизиқиш юқори. Мамлакатимиздаги адабий нашрларда унинг асарлари мунтазам чоп этиб келинмоқда. Якуб Коласнинг бюсти пойтахтимиз марказидаги Шаҳрисабз ва Шевченко кўчалари чорраҳасидаги сўлим хиёбонда ўрнатилгани ҳам унинг ижоди, шахсиятига бўлган улкан ҳурмат ва эҳтиромнинг яққол намунасидир.

И.АҲАТОВА, ЎзА мухбири

Менда таклиф бор

ВАТАННИ ЎЗБЕКЧА СЕВАЙЛИК!

Маълумки, туризм даромадли соҳа саналади. Уни ривожлантириш учун юртимизда ҳамма шарт-шароит яратилмоқда. Тадбиркор ва ишбилармонлар ҳақ-ҳуқуқини тўлалигича ҳимоя қилувчи қонун нормалари ва қатор имтиёзлар мавжуд. Энг асосийси, сайёҳларни ўзига оҳанрабодек жалб қиладиган юртимизнинг гўзал табиати, беқиёс меъморчилик анъаналари асосида бунёд этилган қадимий обидалари ва багрикенг одамлари бор.

Қуйида айтмоқчи бўлган фикримнинг "очқич"и сифатида бир воқеани эслаб ўтсам. Олийгоҳда ўқиб юрган кезларимизда жаҳон адабиёти фани ўқитувчимиз "ҳар бир миллатнинг ўзига хос ва мос адабиёти бўлиши керак, жумладан, бизнинг ҳам. Бизда ана шундай бой адабиёт бор. Фақат уни муносиб давом эттириш керак. Модерн адабиёти билан дунёни, хусусан, Ғарбни лол қолдириб бўлмайди. Чунки модерн бизга айнан улардан кириб келди", деган эди.

Шу фикрдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, чет элдан юртимизга ташриф буюрадиган дунё сайёҳларини муносиб кутиб олиш, уларда она Ватанимиз ҳақида ижобий таассурот қолдириш учун туристларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида "кўнглини олиш" ўйидан воз кечиш фурсати етиб келди. Яъни, инглизга инглизча, французга французча, японга японча илтифот кўрсатмасдан, уларни ўз миллий одатларимизга хос тарзда кутиб олиш ва кузатиш лозим. Бунинг учун Европа қиёфасини эслатадиган шоҳона тамаддихоналар, чет эл нафаси эсиб турган дабдабали меҳмонхоналар эмас, балки асл ўзбекона миллий ошёнлар сони ва сифатини оширишга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Юртимизга келган чет эллик сайёҳ бизда ўз мамлакатида ҳар куни учратадиган ва "кўзи кўникиб" кетган муҳит ёки манзарани эмас, балки бутунлай бошқа оламни кўргиси келади. Шундай экан, ҳам мезбон, ҳам хизмат кўрсатувчи сифатида унинг истакларига қараб иш юритиш замонавий менежментнинг энг биринчи талабларидан биридир. Мана шу мезонга амал қилганларгина бугунги шиддатли рақобатга бардош бера олади.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Яқинда пойтахтимиздаги тунги клублардан бирида рўй берган мудҳиш фожиа ижтимоий тармоқларда анча шов-шув ва тортишувларга сабаб бўлди. Биз бу ерда инсонийликнинг ҳеч қайси мезонларига тўғри келмайдиган воқеа хусусида тўхталмоқчи эмасмиз. Бу борада ҳуқуқ-тартибот идоралари иш олиб бораётгани аниқ. Воқеага ўз муносабатини билдирган ижтимоий тармоқлар фойдаланувчилари бизга тунги клублар керак-керакмаслиги хусусида савол қўяр экан, кимдир керак эмас деса бундай кўнгилочар жойлар тарафдорлари "юртимизга келган хорижлик сайёҳлар ҳордиқ чиқариши учун ҳам тунги клублар керак", деган фикр билдиради.

Қандайдир манфаат ёки ҳаёт тарзидан келиб чиқиб фикрловчи бундай кимсалар чет эллик сайёҳларга тунги клуб эмас, миллий ошхонамиз ва чойхоналаримиз қизиқарли ва афзал эканини билармикан?! Хаёлимда эса яна ўша гап жонланади: "биз модерн билан дунёни лол қолдиромлаймиз!"

Сўнгги йилларда юртимиз сайёҳлик салоҳияти анча ўсди. Буни мамлакатимизга келаётган сайёҳлар сонининг кун сайин ортиб бораётганида ҳам кўриш мумкин. Айни мана шу жараёнда сайёҳларни муносиб кутиб олиш ва уларни бой таассурот билан кўнгилдагидек кузатиб қўйиш муаммоси кўндаланг бўлиб турибди. Она Ватанимизга сайру саёҳат истаб келган биргина меҳмоннинг ўз юртига салбий таассурот билан қайтиб кетиши нафақат давлатимиз ҳақида нотўғри фикрни шакллантиради, балки иқтисодиётимизга ҳам яхшигина зарар келтиради. Чунки юртимиздан мамнуният туйиб кетган сайёҳ фурсати келса, албатта, яна қайтиб келади ёки саёҳатталаб дўсту биродарларига ҳам Ўзбекистонни тавсия қилади. Тавсия қилганда ҳам "Ўзбекистонга саёҳат қилинглар, у ернинг тунги клублари тонггача ишлар экан", демайди. Балки мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида айтиб беради.

Шаҳримиз кўчалари бўйлаб сайр қилар экансиз, сўнгги йилларда бир ҳолатга кўп дуч келяпмиз. Диққатга сазовор жойлар: истироҳат боғлари, дам олиш масканлари, янги қуриб фойдаланишга топширилган бинолар атрофи, аэропорт, вокзалларда "I love ("севмоқ" маъносини англатадиган бу сўз ўрнида юрак шаклидаги белги) Uzbekistan (шаҳар, вилоят, туман номлари ҳам)" деган ёзувларга кўзингиз тушади. Юқорида таъкидланганидек, биз бу йўл билан сайёҳларни қойил қолдира олмаймиз. Ёки инглиз тилини-да мукаммал билишимизни исбот эта олмаймиз. Шунчаки ўзимиз билиб-билмай она тилимизга бўлган муносабатимизни кўрсатиб қўямиз, холос. Майли, инглиз тили дунё тиллари қаторида юқори ўриндадир, аммо ўзбек тили мавқеини юксалтиришни ҳам ўйлашимиз керак эмасми? Унинг устига бутун дунёда "муҳаббат" рамзи сифатида ишлатиладиган бу белгининг келиб чиқиш тарихини билмаймизми? Унда Цезар ва Клеопатра муносабатини ёдга олсангиз, масала ўз-ўзидан ойдинлашади. Ёки бирор кардиологга учраб, инсон юрагининг шакли қандайлигини ҳақида сўралса ҳам ёмон бўлмайди.

— Севги кимга ёки нимага нисбатан бўлишидан қатъи назар, унинг асоси, хоссалари битта. Дейлик, эси бор киши муҳаббатини оламга овоза қилмайди, — дейди Сурхондарёлик шоир Сирожиддин Иброҳим. — Кўчага чиқиб томоқ йиртгудек бўлиб, "мен фалончини севаман", деб бақирилмайди. Юраги жуда тўлиқиб кетганда ҳам туйғуларини кўнгил маҳрам одамларига ийманибгина эмас, ишончу эътиқод ила баён этади.

Яқинда шаҳримиз марказида "I (ўртада юрак тасвири) TERMEZ" мазмунидаги ёзув ўрнатилди. Ҳайрон қолдим. Ўзи шундоғам она тилимиз софлигига путур етаётган бир пайтда бундай "тарғибот"га на ҳожат? Шу билан аввал Термизни яхши кўрмаганлар қалбида унга нисбатан меҳр уйғонадими? Агар меҳмон бўлиб келувчи хорижликлар учун ўрнатилган бўлса, уларга бу ёзувнинг унчалик ҳам қизиғи йўқ. Ундан кўра, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаб, ўзлигимизни танитадиган жойларни обод айлаган маъқулроқ. Сурхондарёда ҳали эътибор қаратилиши керак бўлган тарихий масканлар кўп. Бу билан Ватанга муҳаббатдек буюк туйғуни бачканалаштирмайлик, дегим келади. Уни фақат шодиёна билан эмас, ўрни келганда қайғуриб ҳам севайлик. "Ватан" сўзи тилимиздан юрагимизга кўчганда унинг маҳобатидан вужудимизга титроқ инсин.

Тўғри, бугун айнан мана шу ёзувлар олдида суратга тушиш маҳаллий ва хорижлик сайёҳларнинг энг севимли машғулотига айланиб бормоқда. Табиийки, бу сурат ижтимоий тармоқлар орқали дунё кезади. Саёҳатчининг ўша манзилга ташриф буюргани тасдиғи саналади. Лекин бундай ёзув дунёнинг исталган бурчагида исталганча топилади-ку?! Яна ўша ўқитувчимнинг гапи ёдимга тушади: "Биз модерн билан дунёни лол қолдира олмаймиз!" Шу ўринда юртимизнинг сайёҳлик салоҳиятини ошириш учун миллий "ташриф қоғозлари" нақадар зарурлиги аёнлашади. Ўзбекистонни дини, турмуш тарзи ва ижтимоий келиб чиқиши жуда ўхшаш бўлган Марказий Осиё давлатларидан алоҳида ажралиб туришини кўрсатувчи ва таъминловчи воситалар ҳақида кўпроқ бош қотириш ва уларни излаб топиш керак. Бунда ҳар бир кичик деталга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқ талаб этилади.

Эсингизда бўлса, футбол бўйича 2014 йилги жаҳон чемпионатининг саралаш баҳсларида миллий терма жамоамизни қўллаб-қувватлаб турган томошабинлар ичидан ҳажман катта ва ўзига хос шаклда дўппи кийган мухлис анчайин машҳур бўлганди ва бу мамлакатимиз футбол мухлисларининг рамзий белгисига ҳам айланганди. Ҳатто чет элликлар юз метр наридан кўрса ҳам "Бу Ўзбекистон миллий терма жамоасининг мухлиси", дейдиган бўлди. Бир ўйлаб кўринг, нима учун футбол майдонига келган минглаб томошабинлар ичида айнан ўша мухлис кўпчиликнинг ёдида қолди? Жавоб эса оддий: халқнинг миллий тимсолини кўрсатиб бергани учун. Айнан мана шу миллий рамз ва тимсоллар бизни дунё аҳлига кўпроқ танитади, ўзлигимизни, ўзбеклигимизни намоён этади.

Шундай экан, юқорида сўз юритган ўша ёзув ўрнига "Men O'zbekistonni sevaman" десак, яхши эмасми? Ёки ўша "юрак"ни ишлатмасак унинг дизайни бузилиб қоладими? Савол туғилади: тароват бузилгани яхшими ё она тилимизга бўлган муносабат? Агар бу ёзув жуда жўн ва оддий кўриниш ҳосил қилади, дейдиган бўлсак, унга қўшимча тарзда нақшинкор ёзувлар, турли хил миллий кўринишдаги (мисол учун, атлас, адрас, дўппиларимизга туширилган қалампирнусха фонидаги ёзув)лар билан безайлик. Ютуғимиз ўша ёзувларга кўзи тушган сайёҳнинг уч сўздан иборат ўзбек тилидаги гапни ёдида сақлаши, она тилимизга бўлган ҳурматимиз, ватанпарварлигимизга таҳсин айтиши ва "Ватанни ўзбекча севиш"ни ўргангани бўлсин.

Балки биз кўтарган муаммо унчалик ҳам залворли эмасдир, аммо гап она тилимизга бўлган ҳурмат ҳақида кетар экан, бундан жим кўз юмиб бўлмайди. Шундай экан, дизайнерларимиз ҳам бу борада ўз таклиф-мулоҳазаларини билдирса, туризмнинг мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим тармоғига айланишини таъминлашда ўз ҳиссаларини қўшса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Исломжон ҚЎЧҚОРОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Миллий ғурур

...Радиодан бетакрор оҳанг — "Муножот" янграяпти. Уни Ўзбекистон халқ артисти Абдуҳошим Исмоилов гижжакда маромига етказиб ижро этмоқда. Беш ёшли болакай куйнинг сеҳрли навосини киприк қоқмай тингламоқда. Ўша пайтда болакайнинг ушбу ҳолатини кўрганлар бу мусиқага ҳавас, иштиёқ шунчаки овуниш эмас, балки кўнгил ихтиёри эканини англагани шубҳасиз. Ушоқгина бўлса-да, кўзлари атрофга теран нигоҳ ила боқувчи бу болакай шу тариқа болаликнинг шўх онларига эмас, гижжак созига дўст тутинди...

МУСТАҚИЛ ЮРТ ШАМШОДИ



Шамшод Исаевнинг мусиқа дунёсига кириб келиши аслида ҳам тасодиф эмас эди. Санъаткор оиласида вояга етаётган Шамшод илк мусиқий билимини отаси, моҳир созанда Халил Исаевдан ўрганди. Ўғлининг иқтидори, интилишини кўрган ота ғижжак сир-асрорларини сабот билан ўрганишида ҳамаслак бўлди. Кун келиб фарзанди етук санъаткор бўлишига дилдан ишонди.

Санъат йўлидаги дастлабки қадамлар кейинчалик Шамшоднинг ўз устида жиддий шуғулланишига, моҳир созанда бўлиб етишишига замин яратди. Ёшлигидан "Янги авлод" болалар ижодиёт фестивалининг фаол қатнашчисига айланди. Мусиқага, созга меҳри баланд бўлган инсонлар олқишини дилдан ҳис этган Шамшод ғижжакка меҳр қўйиб, шу соз орқасидан эл-юрт довруғини дунёга ёйишни ният қилди. Мусиқа ва санъат мактабидаги ижодий муҳит, қатор кўрик танловларда қатнашиш, тинимсиз машғулотлар Шамшод Исаевни секин-аста тоблаб бораверди.

Шамшод 7-синфдан В.Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейида ғижжак мутахассислигида таҳсилни давом эттирди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Замира Раҳматуллаева раҳбарлигида ташкил этилган "Мерос" ансамбли билан биргаликда халқаро танловлар иштирокчиси ҳамда ғолибига айланди. Жумладан, 2014 йил Грециянинг Афина шаҳрида бўлиб ўтган "Ўзбекистон кунлари" фестивалида лауреат бўлди. 2016 йили Италиянинг Рим шаҳрида бўлиб ўтган "Ассиоми" мусиқа танловида 1-ўринга лойиқ кўрилди. Шу тариқа Шамшоднинг мукофотлари сони, салмоғи бирин-кетин ошиб бораётир.

— Эсимни таниганимдан бери қулоғим остида мусиқа садолари жаранг сочади, — дейди Шамшод Исаев. — Яхши мусиқа ҳар бир инсоннинг бадиий-эстетик дидини шакллантириб, унинг ахлоқий тафаккурини эзгулик билан бойитади. Отамнинг кўмаги, қўллаб-қувватлаши билан шу соз шайдосига айланганман. Бугунги кунда устозим Абдуҳошим Исмоиловдан ғижжак сир-асрорини қунт ва сабот билан ўрганяпман.

2017 йил ҳам созанда учун омадли бўлди. Юртимизда ҳар икки йилда бир марта ўтказиладиган ёш мақом ижрочилари республика танловидаги муносиб иштирок Шамшод Исаевга танловнинг олий соврини — Гран-прини тақдим этди.

Шамшод бугун ҳам меҳнат қилишдан, мусиқа билан астойдил шуғулланишдан тингани йўқ. Самара ҳам шунга яраша бўлаётир, албатта. У яқинда Озарбайжон Республикасининг пойтахти Боку шаҳрида бўлиб ўтган "Булбулун 120" халқаро фестивалида тенгсиз дея топилди. Май ойида мамлакатимизда бўлиб ўтган "Истеъдод" халқаро мусиқа фестивалида 1-ўринни қўлга киритгани устозлардан олган сабоқнинг, тинимсиз меҳнатининг самараси, десак, муболаға бўлмайди.

— Шамшодни илк кўрганимданоқ унинг истеъдоди ва ўз устида тинимсиз ишлаши эътиборимни тортган эди, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Абдуҳошим Исмоилов. — Бугун шогирдимиз мусиқа оламида ўз ўрни ва овозига эга бўлиб бораётган ёшлардан бири. Унинг қўлга киритаётган ҳар бир ютуғи, муваффақияти аввало, бизнинг юзимиз. Шундай экан биз устозлар ҳамиша шогирдларимизни қўллаб-қувватлаб, уларнинг муваффақиятини мамнуният билан қабул қиламиз. Шамшоддаги меҳнатсеварлик, мақсад сари олға интилиш келажакда унинг улкан ютуқларни қўлга киритишида, моҳир созанда бўлишига умид уйғотади. Бунинг учун унда салоҳият ҳам, сабр, истеъдод ҳам етарли.

Бугун Шамшод Исаев В.Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейининг 3-курс ўқувчиси. Ҳам ўқишда, ҳам жамоат ишларида фаол. Устозлари "истеъдоди, қобилияти бир томон бўлса, одоби, ақл-закоси бир томон бўлиб уни безаб туради", дея доим ҳурмат билан тилга олади.

— Аслида ҳар бир бола истеъдодли, ҳар бир бола ўзига хос қалб эгаси. Фақат ана шу истеъдодни, тафаккурни, ўзига хосликни юзага чиқара олган кишигина алоҳида эътироф этилади, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Замира Раҳматуллаева. — Шамшод Исаев айнан ана шу хислатларни ўзида мужассам эта олган ўқувчиларимиздан. У қобилияти ва меҳнатсеварлиги билан бошқаларга ўрнак бўлаётир.

Юртимизда мустақиллик шукуҳи кезаётган шу кунларда кечган суҳбатимиз давомида мустақиллик, фаровонлик, яратилаётган имкониятлар тўғрисида тўлқинланиб сўзлар экан, "Ҳаракатларимиз, ишимиз ва амалимиз бизга берилган катта имкониятларга муносиб бўлади" дея таъкидлайди у.

— Мустақиллик бизга берган энг катта имконият — мустақил фикрлаш ва уни ифода этиш эркинлиги мусиқа санъатида ҳам ўз ифодасини топмоқда, — дейди Шамшод. — Бугун ўз истеъдодимиз, билимимиз, салоҳиятимизни дунё саҳнида намоён қилиш учун барча эшик очиқ. Фақат бу имкониятлардан тўғри ва самарали фойдаланиб, Ватанимиз шон-шавкатини юксалтириш, миллий санъатимизнинг бардавом бўлиши учун хизмат қилишимиз керак.

Дарҳақиқат, юртимиз Шамшод Исаев сингари истеъдодли ўғил-қизларга бешик бўлган замин. Ватанимиз истеъдод учқуни йилт этган минглаб ўғил-қизлар учун имкониятлар эшигини кенг очаётгани, албатта, ҳар биримизда фахр-ифтихор уйғотади. Ижодий салоҳият, келажакка бўлган комил ишонч, мақсадлар билан олға қадам ташлаётган истеъдодлар ҳамиша эъзозу эътиборимиздадир.

Нигора НИШОНБОЕВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

РЕКЛАМА

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи
"Ватанпарвар" ташкилоти
Андижон вилоят кенгаши жамоаси
барча юртдошларимизни энг улуғ, энг азиз байрам
ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ
27 ЙИЛЛИГИ
билан самимий қутлайди.





БАЙРАМ МУБОРАК!

MILLIY TIKLANISH
34-35 (519) 2018 йил 29 август, чоршанба

БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ

Мамлакатимиз аҳолисини

ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ 27 ЙИЛЛИК

шодиёнаси билан самимий қутлайди.

Ушбу қутлуғ кунда барчага мустаҳкам соғлик, яхши кайфият, оилавий бахт-саодат, янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз.



ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМ МУБОРАК!

Маҳсулот сертификатланган.

O'zERAE CLIMATE CONTROL

"O'zERAE Climate Control"


Ўзбекистон-Корея қўшма корхонаси жамоаси

Кўп миллатли Ўзбекистон халқини энг улуғ,
энг азиз айём — Давлат мустақиллигининг
27 йиллиги билан муборакбод этади.

Барча ўзбекистонликларнинг бунёдкорлик ишларида
улкан муваффақият, сиҳат-саломатлик,
хонадонларига тинчлик ва хотиржамлик тилайди.

27 ЙИЛ





Маҳсулот сертификатланган.

MILLIY TIKLANISH
34-35 (519) 2018 йил 29 август, чоршанба

Таклиф ва мулоҳаза

ГИЛАМ — ҲАМ ҲУНАР, ҲАМ САНЪАТ АСАРИ

УНИНГ РИВОЖИ ТУРИЗМ САЛОҲИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШГА ҲАМ ХИЗМАТ ҚИЛАДИ



Аждодларимиз қадимдан оилада қиз туғилса, "Гиламчи қиз муборак бўлсин!", ўғил дунёга келса, "Кўзибоқар қуллуқ бўлсин!" дея қутлашган. Қизлар улғайгач, она ва момолари унга, албатта, гилам тўқишни ўргатган. Ёш қизлар онаси ва катта ёшдаги аёлларнинг ёнига кириб, ушбу ҳунар сир-асрорини эгаллаган. Келин танлашда унинг гилам тўқиш уқуви ҳам ҳисобга олинган.

Сал эсини таниган ўғил қўзиларни боққан, айниқса, жун қирқим мавсумида ота ва акаларига ёрдам берган. Оналар ва момоларимиз дастлаб қўй жунларини тозалаб ювиб, офтобда қуритишган. Қиши билан тиззасида урчуқ айлантириб, жундан ип йигирган. Кунлар исиши билан гилам тўқишга киришилган. Гиламлар қатидаги рангларда момоларимизнинг эзгу ниятлари, орзу ҳаваслари акс этган. Гиламлар ҳам уй кўркига кўрк қўшган, ҳам рўзғорнинг кам-кўстини бут қилган. Ҳунармандликнинг асосан аёллар шуғулланадиган ушбу тури қадим-қадимдан аҳолининг ҳаёт тарзига айланган. Ўғил уйлантириш, қиз узатишда, яъни тўй куни гиламнинг тайёр бўлишига қараб белгиланган...

Мамлакатимизда ҳунармандликни янада ривожлантириш, унинг йўқолиб бораётган турларини тиклаш, ҳунармандлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, улар меҳнати билан бунёд бўлаётган маҳсулотларни кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Улар орасида гиламдўзлик ҳунари муҳим ўрин тутади. Ҳунармандликнинг кенг тарқалган тури — гиламдўзлик анъаналарини сақлаб қолиш, ривожлантириш, уни авлоддан-авлодга бус-бутун етказиш, соҳани кенг тарғиб қилиш ва янада кенгайтириш бугунги куннинг муҳим вазифасидир. Шу боис Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ташкилотлари ҳудудларда гиламдўзлик мактаблари анъаналарини, музейлар ва хонадонларда сақланаётган ноёб гилам намуналарини ўрганмоқда. Юртимизда алоҳида гилам музейини ташкил этиш таклифи билан чиқаяпти.

— Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ташкилотларининг гилам музейини ташкил этиш таклифи мамлакатимизда ушбу ҳунармандлик турини ривожлантириш, унинг нодир намуналарини сақлаб қолиш, келажак авлодлар ҳамда сайёҳларга таништиришда муҳим аҳамиятга эга, — дейди ЎзМТДП Жиззах вилоят кенгаши бош мутахассиси Ирода Муродова. — Айни шу мақсадда вилоятимиздаги музейлар ҳамда аҳоли қўлида сақланаётган 80дан ортиқ нодир гилам намуналари тарихи ва ҳозирги ҳолатини ўрганиб чиқдик. Ўрганиш давомида жуда кўп қимматли ва қизиқарли маълумотларга эга бўлдик. Ҳудудимиз аҳолиси уйларида ҳатто XIX асрда тўқилган гиламлар сақланаётган экан. Улар бугунги кунгача ўзининг асл ҳолатини йўқотгани йўқ. Бу гиламларнинг ўзи бир тарих. Қўл меҳнати билан бажариладиган иш — гилам тўқиш одамдан сабр-тоқат ва меҳнат талаб қилишини яхши биламиз. Бу гиламлар халқимизнинг нечоғли меҳнатсеварлиги ва зукколигини ўзида акс эттиргани билан ҳам қадрлидир.

Миллий қадриятлар, урф-одат ва анъаналарни асраб-авайлаш, ҳунармандчилик турларини сақлаб қолиш ва тарғиб этишга кўмаклашиш ЎзМТДП дастурий вазифаларидан ҳисобланади. Шу боис партия вакиллари вилоятнинг барча туманида бўлиб, хонадонлардаги қадимий гиламлар тарихи, уларнинг сақланишини ўрганишни режалаштирган.

Арнасой туманида истиқомат қилувчи Суймахол Хидирова хонадонида XX асрнинг 40-йилларида қўлда тўқилган "Қўш герек" номли гилам сақланмоқда. У асосан қизил рангли бўлиб, нақшинкор безаклар берилган. Ундаги нақшлар "Салмайил", "Эгарқош", "Олақурт", "Чирнамо" каби номлар билан аталиб, фусункорлигини ҳали ҳам йўқотмаган. Суймахол ая бугун гиламдўзлик ҳунарининг сир-асрорини ёшларга ўргатиб келмоқда.

Шу туманда истиқомат қилувчи Барчиной Рустамовада эса ўзига хос тарихга эга 2 х 3 ҳажмдаги ноёб гилам сақланади. Табиат қўйнида икки арслон ва капалаклар тасвири туширилган ушбу гиламда инсон билан ҳайвонот ва наботот олами ўртасидаги ўзаро уйғунлик акс этган.

Сотқиной аяга онаси ҳадя қилган, ўзида табиатнинг баҳорий безакларини акс эттирган гилам тарихи ўтган асрнинг аввалига бориб тақалади. Гиламнинг икки ён томонидаги оқ рангли толалар ва атрофидаги тўртбурчак шаклдаги уйғун ранглар жилоси камалак ранглар дея аталиб, ўртадаги атиргуллар беназир баҳор чечаклари сифатида талқин этилади.

Ғаллаороллик Лола Санаева туризм ривожига муносиб ҳисса қўшишни ният қилган. У "Молгузар Моунтин Драйвер" оилавий корхонасини очди. Болғали қишлоғида жойлашган бу корхона кўпроқ сайёҳларга хизмат кўрсатишни режалаштирмоқда. Яъни сайёҳлар учун барча шарт-шароитга эга уй меҳмонхоналари қуриш тараддудида. Корхона қошида айни пайтда "Буюк ипак йўли гиламлари" цехи ишга туширилган.

— Цехимизга бириктирилган эпчил ва маҳоратли гиламдўз қизлар ҳозирча ўз уйларида гилам тўқишмоқда, — дейди Лола опа. — Агар лойиҳа тўлиқ ишга тушса, сайёҳлар меҳмонхонада дам олиш, цехимизда гилам тўқиш жараёнини кузатиш ва харид қилиш имкониятига эга бўлади. Асосан коллеж битирувчиларини "устоз-шогирд" анъанаси асосида ишга қабул қиляпмиз.

Гиламдўзлик маҳсулотларига барча даврда ҳам сайёҳлар жуда катта қизиқиш билан қараган. Масалан, XIII асрда юртимизга келган италиялик машҳур сайёҳ Марко Поло Хивада тўқилган гиламларни кўриб, Марказий Осиёга саёҳати тўғрисидаги китобида шундай ёзади: "Биласизми, бу қадим, кўҳна шаҳарда шундай нозик ва нафис, бежирим ва гўзал гиламлар тўқилар эканки, бундай гиламларни дунёнинг бошқа жойларида учратмадим. Қизил, кўк, жигарранг гиламлар нафақат ўзининг чиройи, балки пишиқ-пухта, чидамлилиги билан ҳам ажралиб туради".

Гиламлар жуда кўп хусусиятга эга. Аввало, хона ичини безаш, иссиқ сақлаш, товушни ўтказмаслик учун хизмат қилади. У нафақат тўшаладиган буюм, балки деворлар, кўргазмаларга қўйиладиган, файз ва кўрк бағишлайдиган санъат асари ҳамдир. Момоларимиз гилам ёки жундан тўқилган буюм устида ётган бола соғлом бўлади, дардга енгил бўлмайди, деб бежиз айтмаган..

Гиламлар ўзида муайян халқ ёки миллат тарихини ҳам акс эттиради. Дунёнинг айрим мамлакатларида ҳунармандликнинг ушбу ноёб тури — гиламдўзлик санъатига бағишланган алоҳида музейлар бор. Масалан, Боку шаҳрида Гилам ва халқ амалий санъати музейи ташкил қилинганига 50 йил тўлди. Ҳар йили 5 май — Озарбайжонда Миллий гилам куни сифатида нишонланади. Бизнинг юртимиз ҳам гиламчилик соҳасида ўз мероси, тарихи ва анъаналарига эга. Ҳар бир ҳудудимизда ўзига хос гиламчилик услуби ва мактаблари шаклланган. Агар бизда ҳам ҳудудлардаги гиламдўзлик мактаблари намуналари бир жойда тўпланса ва улар асосида алоҳида музей ташкил қилинса, бу, миллий маданий меросимизни асраб-авайлаш, мунтазам ва кенг тарғиб қилиш, қолаверса, туризм ривожига ҳам хизмат қилиши — турфа гиламларимиз Ўзбекистонга келган ҳар бир сайёҳни ҳайратлантириши ва ёркин таассурот қолдириши, шубҳасиз.

Шоди ОТАМУРОД,
"Milliy tiklanish" мухбири

Мукаддас қадамжолар

Юртимизда буюк аллома ва азиз авлиёларнинг номлари билан маълуму машҳур жойлар жуда кўп. Улар бизнинг тарихимиз, миллий меросимиздан бевосита гувоҳлик беради. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, бунёдкорлик жараёнида тарихий ёдгорликлар, зиёратгоҳларни таъмирлаш, қайта тиклаш ишларига алоҳида эътибор қаратилаяпти. Шу боис кўпгина моддий ва номоддий маданий мерос объектлари замонавий қиёфа касб этаяпти. Энг муҳими, бундай қутлуғ жойларга ташриф буюрувчиларнинг сони ортаётганлиги туризм соҳаси ривожида муҳим омил бўлаётир.

"ЕТТИ ТУҒ ОТА" — ЗИЁРАТГОҲ МАСКАН



Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг сайловолди Платформасида мавжуд маданий ёдгорликларни, Ўзбекистон шаҳарларининг тарихий қиёфасини сақлаб қолишда самарали чора-тадбирларни олиб бориш, тарихий жойлар, меъморий ёдгорликларни бутун инсоният учун қимматли осори-атиқалар сифатида асраб-авайлаш ва қайта таъмирлаш ишларига кўмаклашишга алоҳида эътибор қаратилган. Шундан келиб чиққан ҳолда ЎзМТДП Қашқадарё вилоят кенгаши ҳам қатор амалий ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, партия вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари фаоллари ҳудуддаги мавжуд ёдгорликлар, зиёратгоҳларнинг бугунги кундаги ҳолати, сайёҳларни жалб этаётган жиҳатларини ўрганиш, улар ҳақида янада кўпроқ маълумотга эга бўлиш мақсадида бир неча бор ўрганишлар олиб бордилар. Улардан бири, Қарши тумани Потрон қишлоғи ҳудудида жойлашган "Етти туғ ота" зиёратгоҳидир. Мазкур ёдгорлик, унинг пайдо бўлиши хусусидаги маълумотлар сайёҳларнинг қизиқиши ортишига сабаб бўлаётир. Ўрганишлар чоғида "Етти туғ ота" зиёратгоҳининг келиб чиқиш тарихи ҳақида батафсил маълумот ва тушунчаларга эга бўлинди.

Ривоят қилинишича, "Етти туғ ота"даги чилон-жийда дарахти улуғ аллома Мир Саййид Фатхуллоҳнинг ҳассасидан кўкарган. Унинг меваси шифобахшлиги ҳақида ҳам айтилади. "Кўҳна боғ" (Потрон)да жуда кўп улуғлар яшаб ўтган ва улар ушбу гўшада мангуга бош қўйган. Уларни зиёрат қилиш, аввало, инсоний бурчимиз, қолаверса, савоб ишлардан бири, албатта.

"Етти туғ ота" зиёратгоҳида мақбара мавжуд бўлиб, ушбу мақбара ичида еттита қабр жойлашган. Шулардан иккитасининг усти қизил бахмалдан тикилган қабрпўш билан ёпилган. Қабрпўшнинг бирида зарҳал ҳарфлар билан "Мир Саййид Ҳусайн" номи ёзилган. Қабрларнинг атрофи миллий меъморчилик услубида мармартошдан қурилган девор билан ўралган бўлиб устида қумтошдан ясалган қабртошлар бор. Улар шаклига кўра, XIX-XX асрнинг бошларига оид, ёзувлар эса эски ўзбек ёзувида настаълиқ хатида битилган.

Мақбарани ташқаридан кузатсангиз унинг пойдевори қабристон жойлашган ерга нисбатан баланд экани намоён бўлади. Унинг жанубий-шарқий девор пойдеворидан XI-XII асрларга оид энг қадимги бинодан қолган пишиқ ғишт парчалари топилган. Айни шунга ўхшаш ғишт парчалари масжиднинг ғарбий томонидаги девор таркибида ҳам борлиги аниқланган. Мақбарадан жанубий ва жанубий-шарқий томонда баландлиги 1,5-2 метр бўлган ясси тепалик ҳосил қилган майдон жойлашган. Мақбаранинг ғарбий қисмида эса XIX-XX асрнинг бошларига оид ўндан ортиқ қабртошлар топиб ўрганилди.

— Бу каби зиёратгоҳларнинг ўрганилиши халқимиз маънавиятини тиклаш, ёшлар қалбига ота-боболаримизнинг тарихий, илмий меросига чуқур ҳурмат туйғусини шакллантириш, ёшларнинг юртга садоқат ва ватанпарварлик руҳида улғайишида беқиёс аҳамиятга эга, — дейди ЎзМТДП Қарши туман кенгаши раиси Дилрабо Камолова. — Албатта, воҳамиз ҳудудидаги қутлуғ қадамжолар, тарихий мажмуа ва ёдгорликлар, жумладан, "Етти туғ ота" зиёратгоҳининг обод масканга айланиши вилоятнинг бой маданий салоҳияти янада юксалишида сезиларли омил бўлади. Партиямиз фаолларининг бу каби ўрганишлари вилоятда ички туризмни кенг ривожлантириш, ҳудудларда тарғиб этиш йўлидаги дадил қадам дейиш мумкин.

Хулоса ўрнида айтганда, воҳадаги сайёҳлик манзилларининг кўпайиб бориши, сайёҳлар оқимининг ошиши соҳа ривожида муҳим аҳамиятга эга. Энг асосийси, ўзлигимиз, улуғ аждодларимизга эҳтиром ва тарихий жойларга эътибор ва ҳурмат ҳисси янада ошади. Унинг замирида келажак авлодларга маданий меросни бус-бутун ҳолича етказишга ўз ҳиссасини қўшиш сингари эзгу мақсад мужассам.

Моҳинур ҚЎЗИЕВА,
ЎзМТДП Қарши туман кенгаши етакчи мутахассиси

Тарих тилга кирганда...

ШЕРОБОДДА ДАҲМА ТОПИЛДИ

Турли даврларга оид тарихий ёдгорликлар ва осори-атиқаларга бой Ўзбекистон ўтмишда ҳам илм-фан, меъморчилик, маданият, санъат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳалар юксак тараққий этган ҳудуд сифатида тарихчи ва қадимшуносларда катта қизиқиш уйғотиб келаётир.



Сурхондарё вилоятида Япония, Россия, Чехия, Франция каби ўнга яқин давлат археологларининг мамлакатимиз олимлари ҳамкорлигида олиб бораётган изланишлари бунинг ёрқин далилидир.

Яқинда Ўзбекистон — Чехия қўшма экспедицияси томонидан Шеробод туманининг Заробоғ қишлоғидан қадимги даҳма ўрни топилди. Ушбу археологик ёдгорлик тошдан доира шаклида қурилган бўлиб, диаметри 42, баландлиги эса 1 метрни ташкил этади. Олимлар янги топилмани зардуштийлик дини билан боғлиқ милоддан аввалги VIII-VII асрларга тааллуқли деган фикрни илгари сурмоқда.

Археология соҳасида янгилик ҳисобланган ушбу топилма Заробоғ қишлоғидаги аҳоли пунктидан анча олисдаги баланд тепаликда жойлашган. Археологлар тошдан қурилган ушбу ёдгорликни даҳма (қабр ўрни) деб таъкидламоқда.

— Қадимий цивилизация бешикларидан бири бўлган юртимизнинг ҳар бир гўшаси ўзига хос тарихга эга, — дейди тарих фанлари доктори, профессор Шопўлат Шайдуллаев. — Қимматли археологик ёдгорлик ва тарихий манба ҳисобланадиган ушбу топилма — қадимги даҳмани зардуштийлик билан боғлиқ иншоот дейиш учун асос етарли. Чунки археологик қазилмалар чоғида тошқалама ўрганилганда, унинг орасидан одамнинг суяк қолдиқлари топилди ҳамда иморатнинг қурилиш ва жойлашиш услуби зардуштийлик динига оид эканлиги аниқланди.

Зардуштийлик таълимотига кўра борлиқ фақат шу дунёдан иборат. Шу боис, одам ўлгандан кейин тупроққа эмас, у дастлаб даҳмага қўйилган. Ундан сўнг майитнинг суякларини териб остадон (суякдон — махсус сопол идиш)га солиб, кўмилган.

Даҳмалар асосан қадимги Эрон, Покистон, Хоразм, Афғонистон ҳудудларидан топилган. Фақат улар Заробоғ қишлоғидан топилганидан бироз фарқ қилади. Қайд этиш жоиз, янги топилма Сурхондарё вилоятидаги Далварзинтепа ёдгорлигидаги даҳмага жуда ўхшаш.

Археолог олимларнинг фикрича, ушбу ёдгорлик мамлакатимизда милоддан аввалги VIII-VII асрларда зардуштийлик дини тўлиқ шаклланган ва ривожланганидан далолат беради.

Давом этаётган археологик тадқиқотлар халқимизнинг қадимий ва турфа бадиий маданияти ҳақидаги билим-тасаввурларимизни янада бойитиши, шубҳасиз.

Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА,
журналист

Назорат ва таҳлил

МАДАНИЙ МЕРОС ОБЪЕКТЛАРИ

ПАРТИЯ ҲУДУДИЙ ВА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШ ГУРУҲЛАРИ ЭЪТИБОРИДА

Халқ депутатлари Хоразм вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси гуруҳлари "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ижросини мунтазам назорат қилиб бормоқда.

Ҳудудий ва маҳаллий вакиллик органлари сессияларига "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ижросини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишларнинг аҳволи тўғрисида"ги масалани олиб чиқиб, қарор қабул қилинишига эришилди. Ўрганишлар жараёнида аниқланган камчиликлар юзасидан чора-тадбирлар белгиланди. Вилоятда барча маданий мерос объекти қайта хатловдан ўтказилди. Ушбу жараёнда партия вилоят кенгаши Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш давлат инспекцияси вилоят бўлими, Хоразм Маъмун академияси, вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси ҳамда Урганч давлат университети тарих факультети билан ҳамкорликда иш олиб борди.

— Бугунги кунда вилоятда жами 237 та маданий мерос объекти мавжуд бўлиб, шулардан 17 таси археология, 134 таси архитектура, 80 таси монументал санъат ёдгорлиги, 6 таси диққатга сазовор жой ҳисобланади, — дейди ЎзМТДП Хоразм вилоят кенгаши раиси Ражаббой Рўзметов. —Партия гуруҳлари томонидан 237 объектнинг тўлиқ паспорти ишлаб чиқилди. 100га яқин маданий мерос объектларининг кадастр ҳужжатлари тайёрланди. Мазкур ишларга шу йилда маҳаллий бюджетдан яна 50 миллион сўм маблағ ажратилишига эришилди. Натижада қўшимча 30дан ортиқ объектнинг кадастр ҳужжатлари тайёрланмоқда.

Партия фаоллари ва депутатлари маданий мерос объектларидан тарих ва маданиятимизни тарғиб қилувчи восита сифатида фойдаланилишини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда. Чунончи, партия фаолларининг саъй-ҳаракатлари билан Хонқа туманидаги ободонлаштириш бошқармаси тасарруфида бўлган Ҳожихон Болтаев ҳамда Алишер Навоий музейлари вилоят ҳокимининг қарорига асосан туман маданият бўлими таркибига киритилди.

Зеро, аждодларимизнинг ақлу закосидан дарак берувчи маданий меросимизни асраб-авайлаш миллий-маънавий тикланиш жараёнида муҳим ўрин тутади. Ва у орқали ўсиб келаётган ёш авлодни бебаҳо тарихий меросни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, уларда миллий ўзликни англаш туйғусини янада кучайтиришга ҳисса қўшамиз.

Алишер РАҲМОНОВ,
ЎзМТДП Хоразм вилоят кенгаши етакчи мутахассиси

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ “АГРОКИМЁҲИМОЯ” ҲУДУДИЙ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Шу табаррук заминда истиқомат қилаётган барча азизларни, қишлоқ хўжалиги соҳаси ходимларини — сабзавот экинларининг, меваларнинг янги, серҳосил навларини яратаётган ва мўл ҳосил етиштираётган, уни қайта ишлаётган боғбону соҳибкорларни, олимлару мутахассисларни, корхона жамоаларини



МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ

БИЛАН ҚУТЛАЙДИ!

Осойишталик, фаровонлик, аҳиллик юртимизни ҳеч қачон тарк этмасин.

27 ЙИЛ

Хизматлар лицензияланган

MILLIY TIKLANISH
34-35 (519) 2018 йил 29 август,

Боқий мерос

МАҚОМ — МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШ, РУҲИЙ БАРКАМОЛЛИК

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.



Шу маънода Президентимизнинг миллий мақом санъатини ривожлантириш тўғрисидаги қарори айни муддао бўлди. Кейинги йилларда ниҳоятда долзарб масалалар — ҳам ички, ҳам ташқи сиёсат борасида устувор йўналишлар белгиланиб, саноат ва қишлоқ хўжалигида, таълим, маданият ва бошқа соҳаларда ўз ечимини кутиб турган жуда кўп муаммолар изчиллик билан ҳал этилиб борилаётган бир вақтда давлатимиз раҳбари мақом санъатимизни асраб-авайлаш, чуқур ўрганиш, унинг нозик сир-асрорларини тарғиб этиш, ўзига хос ижро мактаблари ҳамда анъаналарини янги босқичда равнақ топтириш, нуфузини халқаро миқёсда оширишни бугунги куннинг кечиктириб бўлмайдиган вазифалари қаторига олиб чиқди. Зотан, халқимизнинг маънавий иродасини созлаш, катта марралар сари илҳомлантириш, ёш авлодни эзгу қадриятлар асосида тарбиялашда ўзбек миллий мақом санъатининг ўрни беқиёс.

Бугунга келиб, мақомшунос олимлар, ҳофизларнинг нуфузи ҳам бир мунча ошди. Айниқса, Ўзбек миллий мақом санъати маркази ташкил этилиши соҳанинг ривожланиши, унда меҳнат қилаётган барча фидойиларни бир мақсад йўлида бирлашишига хизмат қилмоқда. Марказ зиммасига мақом санъатини ривожлантиришда шаклланган ижро ҳамда ижодий мактаблар ва анъаналарни, буюк бастакорлар, ҳофиз ва созандалар меросини чуқур илмий асосда ўрганиш, қайта тиклаш вазифалари юкланган. Бу эса ёшларимиз, хусусан, соҳага энди кириб келаётган истеъдод эгаларига нафақат мақом ижро этиш, балки унинг илмий асоси, тарихи ва бугунини ўрганиш, санъатнинг буюк дарғалари ҳаёти ва ижоди билан батафсил танишиш имконини беради.

— Мақом миллий қўшиқчилик санъатимизнинг энг қадимий ва улуғвор тури саналади. Унинг пайдо бўлиш ва ривожланиш босқичлари ҳақида тўхталсангиз...

— Мақом — халқимиз вужудидан сизиб чиққан оҳанг. Шу боис, у асрлар оша яшаб келмоқда. Ўзбек миллий мусиқа санъатининг гултожи саналган "Шашмақом" ва унинг туркумлари мумтоз шеъриятимиз билан уйғун ҳолда ғоят гўзал санъат намунасини ҳосил этганки, бу юксак мусиқага жаҳон аҳли ҳайрат билан қарайди. "Шашмақом" ўта қадимий бўлгани боис унинг яралиши борасида жуда кўп қарашлар мавжуд. Аммо "Шашмақом"нинг илдизи бўлмиш ўн икки мақом тизими, асосан, Соҳибқирон Амир Темур ва Ҳазрат Мир Алишер Навоий замонида тўлиқ шаклланиб улгурган, десак тўғрироқ бўлади.

Айрим манбаларда у эрамизнинг бошланиш даврига тегишли экани ҳақида далиллар учрайди. Абдурауф Фитратнинг "Ўзбек классик мусиқаси тарихи" монографиясидан бу хусусида тўлиқроқ маълумот олиш мумкин...

— Ўзбек миллий мақом санъати, сизнингча, бошқа халқ ва миллатларнинг бундай кўҳна санъат туридан нимасига асосан фарқланади?

— Мақомлар, асосан, Марказий Осиёнинг Ўзбекистон ҳамда Тожикистон ҳудудида, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида тарқалган бўлиб, оҳанг жиҳатидан анча фарқланса-да, аммо илдизлари бирлигини инкор этиб бўлмайди.

Бу ҳол, асосан, уларнинг номидаги уйғунликлар, чалинадиган созларнинг ўхшашлиги, баъзи халқлар (мисол учун, уйғурлар) тилидаги ўхшаш оҳанглар туфайли умумийлик касб этади. Ҳозир жаҳон мусиқашунослигида ана шу жиҳатлар эътиборга олиниб, мақомни "Мақомот" атамаси билан номлаш урфга кирди.

Энди юртимиз ҳудудида шаклланган мақом анъаналарига тўхталсак, улар мукаммал, улуғвор ва нафис экани боис бутун дунё мусиқашунослари эътироф этиб, ўз тадиқотлари йўналишларида ўзбек мақомларига катта ўрин бериб келмоқда. Хўш, нега шундай? Чунки бизнинг диёримиз ҳудудидан етишиб чиққан оламга машҳур алломаларнинг жаҳон тамаддунига қўшган улкан ҳиссаси, уларнинг инсоният олдидаги хизматлари, ўз асарларида олға сурган ғоялар мақомимизда ҳам акс этгани, шубҳасиз. Шунинг учун миллий мақомларимизда улуғворлик, ҳам инсоний ҳис-туйғуларнинг энг олий намуналари, ҳам гўзал муҳаббат тушунчалари шу даражада теран ифодаланганки, уни эшитган кишининг қалби тўлқинланмай иложи йўқ.

— Биламизки, мақом жуда катта илм. Шу боис мақомни ижро этиш учун маълум тайёргарлик, ижрочининг овоз имкониятлари етарли даражада шаклланган бўлиши лозим. Аммо санъаткорнинг маънавий дунёси-чи? У қай даражада аҳамиятга эга?

— Албатта, мақом ижрочилиги санъаткордан катта овоз, зеҳн талаб этади, устига-устак юксак қобилиятга эга бўлиш ҳам керак. Тўғри, мақомга ҳавасмандлик кўп санъаткорларни бу соҳага жалб этиши мумкин. Аммо ҳақиқий маънодаги мақомчи бўлиб етишиш учун узоқ йиллар изланиш, тажриба тўплаш керак. Яна у халқимизнинг маънавий мероси бўлмиш мумтоз адабиётимизни, умуман маънавий мерос намуналарини чуқур ўрганган, миллий тарихимиздан яхши хабардор, энг асосийси, эл-юртини катта қалб билан севган бўлиши керак. Чунки хониш қилаётган ҳофиз нафасида ўз халқининг асрлар давомидаги дарду ҳасрати, бахту қувончи акс этмоғи лозим. Акс ҳолда бу тўлақонли ижро бўла олмайди.

Хулоса шуки, мақомчилик ҳаваскор хонандаларнинг олди-қочди сўзлари, хатти-ҳаракатидан холи бўлмоғи керак. Санъаткорнинг маънавий дунёси эса унинг фаолиятидаги муваффақиятнинг бош омилларидан биридир.

— Санъатшунослик фанлари доктори, профессор Отаназар Матёқубов бир суҳбатда "Ҳозир мақомни Абдуҳошим Исмоилов, Муножот Йўлчиева, Маҳмуджон Тожибоевдек биладиган санъаткорлар йўқ, лекин эртага улардан ҳам ўтадиган ёшлар чиқишига ишонаман", деган эди. Сизнинг айни даражага эришишингизда устозларингизнинг ўрни ва умуман, мақом ижрочилигида "устоз-шогирд" анъаналари хусусида суҳбатимизни давом эттирсак...

— Мен бугун нимага эришган бўлсам, аввало, устозларимизнинг менга кўрсатган меҳри, таълими, давлатимиз ва халқимизнинг ғамхўрлигидандир. Фарғона водийсининг олис бир қишлоғидан келиб пойтахтда озми-кўпми обрў-эътибор топган бўлсам бу — устозларим Ўзбекистон халқ ҳофизлари Очилхон Отахонов, Фаттоҳхон Мамадалиев, Орифхон Ҳотамов, беназир қалб эгаси Турғун Алиматовдан олган сабоқларнинг натижаси.

"Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар", деб бежиз айтилмаган. Айниқса, бу қўҳна санъат тури саналадиган мақомда яққол намоён бўлади. Мақомни фақат эшитиб ўрганиб бўлмайди, агар ундай бўлганида унинг қадри бугунги даражада юксалмаган бўлар эди. Ижрочилик маҳорати, овозни созлаш, омма орасида ўзини тутиш, одоб-ахлоқ қоидалари ҳеч қаерда ёзиб қўйилмаган. Уларни фақат устозлар орқали ўрганиш мумкин. Айниқса, чуқур тарихий илдизга эга, қадимдан шаклланиб келган мақом ижрочилик анъаналарини тўғридан-тўғри ўрганиб бўлмайди. Бу борада, албатта, устозлар ўгити, таълими ўта муҳим саналади.

— Рости гап маданият соҳасига энди қадам қўйиб келаётган аксарият ёшлар анъанавий эстрада қўшиқчилигига "ўзини урмоқда". Демоқчиманки, замонамиз ёшларининг мумтоз қўшиқчилигимизга бўлган қизиқиши сизни қониқтирадими?

— Суҳбатимиз бошида таъкидлганимдек, кейинги йилларда бу қутлуғ ва соҳир санъат турига эътибор сусайгандек эди. Аммо бу халқимиз мақом тинглашдан юз ўгирди дегани эмас. Мақом бир хилқатки, у халқимизнинг қалбига абадий муҳрланган. Собиқ тузум даврида сарой мусиқаси, реакцион клерикал мусиқа, деб камситилган кунларни бошдан кечирган улуғ "Шашмақом"нинг бугунги ёруғ кунларда давлат даражасида улуғланиб, эътиборда бўлаётганлиги бу санъаткорларимиз учун катта бахт, мақомда ижод қилиб ўтган устозларимизнинг руҳларига таъзим демакдир.

Ёшларимизнинг замонавий мусиқа билан қизиқиши бу — табиий жараён. Бундан салбий ранглар ахтариш ножоиз, аммо халқимизнинг ўз маънавий қадриятларини кўз қорачиғидек асраётганлигини ҳисобга олсак, Президентимизнинг юқорида тилга олинган тарихий қарори, албатта, ёшларимиз олдига ҳам муҳим вазифаларни қўяди ва, ўйлайманки, келажакда улар орасидан етук мақомшунослар етишиб чиқади. Қолаверса, кейинги йилларда ёшларнинг мусиқий диди, бадиий савиясини тобора юксалтириш, мусиқа таълимини сифат ва мазмун жиҳатдан янги, юқори босқичда ташкил этиш, ўғил-қизларни миллий мусиқий мероснинг энг яхши намуналаридан баҳраманд этиш масаласига устувор аҳамият қаратилмоқда. Шу маънода санъат йўналишида таҳсил олаётган талаба ва ўқувчиларга мақом санъати борасида алоҳида дарслар ўтилиши маданият соҳасига энди қадам қўйиб келаётган ёшларда миллий ўзликни англаш туйғуси, юксак бадиий-эстетик дид ва тафаккурни шакиллантириши, шубҳасиз.

— Мақом санъатига жаҳонда қизиқиш қандай?

— Мақом ғоят гўзал, айни дамда мураккаб санъат. Уларда инсон кечинмаларининг энг нозик оҳанглари жамланган. Шу боис, миллий мақом санъатимиз ҳамон жаҳон мусиқа ихлосмандларини ҳайратга солиб, ўзига мафтун этмоқда. Ҳозирда "Шашмақом" борасида илмий тадқиқотлар олиб бораётган германиялик Ангелика Юнг, тунислик Гуэттат Махмуд, франциялик Виллиам Сумитс каби олимларнинг Шаҳрисабзда бўлиб ўтадиган Халқаро мақом анжуманида қатнашиши кўзда тутилмоқда. Хориж сафарларидаги концертларда мақомимизни нақадар завқ-шавқ билан тингланишига гувоҳ бўлганман. Хорижда мақомга ҳам бошқа санъат турларимиз қатори юқори баҳо берилади...

— Халқаро мақом санъати анжумани ҳақида сўз очдингиз. Унга тайёргарлик кўриш, анжуман доирасида бўлиб ўтадиган мақом фестивалини ўтказиш жараёнлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Президентимизнинг 2018 йил 6 апрелдаги "Халқаро мақом санъати анжуманини ўтказиш тўғрисида"ги қарорига асосан эндиликда ҳар икки йилда бир марта Шаҳрисабз шаҳрида Халқаро мақом санъати анжуманини ўтказиш белгиланди. Бу йил мазкур йирик анжуман 6-10 сентябрь кунлари бўлиб ўтиши кўзда тутилган.

Нуфузли анжуманни юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш мақсадида тегишли ташкилотлар, хусусан, Маданият вазирлиги томонидан кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Анжуман очилишига тайёргарлик доирасида мақом ривожланган ҳудудлар, яъни Бухоро, Хоразм, Фарғона водийсидан алоҳида ташкил қилинган бадиий гуруҳлар таниқли режиссёр Баҳодир Йўлдошев раҳбарлигида қизғин иш олиб бормоқда. Моҳир созанда Абдуҳошим Исмоилов барча вилоятнинг вакиллари билан бадиий тайёргарлик борасида машғулот ўтказмоқда. Ўзим Фарғона водийси вилоятлари санъаткорларидан тузилган гуруҳ билан бирга ишлаяпман. Санъаткорларга тайёргарлик кўриш учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилган. Умид қиламанки, меҳнатимиз натижаси юртимиз ва Президентимиз олдида юзимизни ёруғ қилади.

Мазкур йирик анжуман доирасида ўтказиладиган танловда хорижлик ва ўзбекистонлик санъаткорлар қатнашади. Хорижий олимлар, мусиқашунослар, ансамбллар вакиллари томонидан юборилган ижодий ишлар баҳоланиб, мақом ижрочилиги йўналишида фаолият юритаётган энг моҳир хонандалар номзоди саралаб олинди. Юртимиз санъаткорларини саралаш борасида ҳам шундай дейиш мумкин, фақат бу жараён давомида хорижликлардан фарқли ўлароқ уларни юзма-юз тингладик ва муносибларини танловга тавсия қилдик.

Ишончим комилки, Халқаро мақом санъати анжумани санъатсевар халқларни мақом йўллари ва мумтоз намуналаридан кенг баҳраманд этиш, уларни миллий мусиқамизнинг бетакрор садоларига ошно этишда муҳим воқеа бўлади.

"Milliy tiklanish" мухбири
Мухторбек АБДУЛЛАЕВ суҳбатлашди.

Сайлов кодекси лойиҳаси — муҳокамада

Президентимизнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш вазифаси белгиланган эди. Шунингдек, "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурида ҳам Марказий сайлов комиссияси томонидан Сайлов кодекси лойиҳасини ишлаб чиқиш белгиланган.

САЙЛОВЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ

УНИНГ ШАФФОФ ВА АДОЛАТЛИ ЎТИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Марказий сайлов комиссияси айни шу мақсадда етук ҳуқуқшунос олимлар ва мутахассисларни жалб этиб, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги, "Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида"ги ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги қонунлар асосида 2 бўлим, 18 боб ва 100 моддадан иборат Сайлов кодекси лойиҳасини ишлаб чиқди. Уни тайёрлаш жараёнида сайлов қонунчилиги инвентаризация қилиниб, 20га яқин хорижий давлатнинг сайлов қонунчилиги тажрибаси ўрганилди.

Сайловларни молиялаштириш — сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишда муҳим ташкилий масала ҳисобланади. Шу боис лойиҳада сайловларни молиялаштириш масаласига алоҳида аҳамият қаратилган. Масалан, 2014 йил 4 сентябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунга мувофиқ, "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, қонунда Марказий сайлов комиссияси фаолиятини молиялаштиришнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди. Бюджет кодекси ва "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги қонунга асосан Марказий сайлов комиссиясини молиявий таъминлаш давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилди.

Сайловларни давлат томонидан молиялаштириш муҳим халқаро стандартлар талабларидан бири саналади. Шу боис Сайлов кодекси лойиҳасида ҳам мазкур тамойил ўз ифодасини топди. Лойиҳанинг 17-боби сайловларни молиялаштиришга бағишланган бўлиб, унда сайловларни давлат томонидан молиялаштириш, сайлов комиссиялари ва сиёсий партияларни молиялаштириш масалалари тартибга солинган. Шу ўринда таъкидлаш лозим, амалдаги "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги қонунларда акс этган сайловларни молиялаштириш масалаларига бағишланган моддалар унификация қилиниб, такрорланишларга барҳам берилди.

Лойиҳада кўзда тутилаётган меъёрларга мувофиқ номзодлар ва сиёсий партияларни чет давлатлар, чет эл жисмоний ва юридик шахслари, халқаро ташкилотлар томонидан моддий қўллаб-қувватлаш тақиқланади. Ҳомийлик қилмоқчи бўлган сиёсий партиялар, бошқа жамоат бирлашмалари, корхона, ташкилот, муассасалар ва фуқаролар ўз маблағларини Марказий сайлов комиссиясига ихтиёрий равишда ўтказадилар. Бу маблағлар сайлов жараёнида барча сиёсий партия ва номзодлар ўртасида тенг тақсимланади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетида Марказий сайлов комиссиясини молиялаштириш масаласи алоҳида сатрда белгилаб қўйилган. Бу эса Марказий сайлов комиссиясининг молиявий мустақиллигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Сайлов кодекси лойиҳасида сиёсий партияларнинг сайловларда иштирокини молиялаштиришга бағишланган алоҳида модда ҳам мавжуд бўлиб, унда сиёсий партияларнинг сайловларда иштирок этиши учун маблағлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети томонидан ажратилиши, уларни молияштириш миқдори Марказий сайлов комиссияси ва бошқа сайлов комиссиялари томонидан сиёсий партиялар кўрсатган номзодлар сонидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилиши кўрсатиб ўтилмоқда. Лойиҳада сиёсий партияларга сайловларда иштирок этиши учун ажратиладиган давлат маблағлари қандай мақсадларда сарфланиши белгилаб қўйилмоқда. Масалан, сиёсий партиялар ушбу маблағларни сайловолди ташвиқотини олиб бориш, номзодларнинг телевидение, радио ва бошқа оммавий ахборот воситаларида чиқишларига, сайловчилар билан учрашувлар, номзодларнинг ваколатли вакиллари фаолиятини ташкил қилиш ҳамда сайлов кампаниясини ўтказиш бўйича умумпартиявий тадбирларга сарфлайди.

Сиёсий партиялар сайлов натижалари эълон қилинганидан сўнг уч банк иш куни муддатида фойданилмаган маблағларни Марказий сайлов комиссиясининг ҳисоб рақамига қайтаради. Ушбу маблағлар бир банк иш куни мобайнида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисоб рақамига ўтказилади. Сайлов комиссиялари томонидан фойдаланилмаган маблағларнинг қолдиқлари сайлов натижалари якунлари эълон қилинганидан сўнг беш кунлик муддатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат бюджети ҳисоб рақамига Қорақалпоғистон Республикаси ғазначилиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ғазначилиги орқали Қорақалпоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар сайлов комиссиялари бухгалтериялари томонидан ўтказилади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Сайлов кодекси лойиҳасида сайловларни ва сайлов қатнашчиларини молиялаштириш масалалари халқаро меъёр ва стандартларга мос равишда тартибга солинган. Бу эса, ўз навбатида, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш сайлов комиссиялари томонидан очиқ ва ошкора амалга оширилишига хизмат қилади.

Олимжон АБДУНАЗАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов
комиссияси аъзоси

Қарор ва ижро

ШАХМАТ ЭНДИ МАКТАБЛАРДА ҲАМ ЎҚИТИЛАДИ

Шахмат — ақл гимнастикаси. Спортнинг ушбу турини мамлакатимизда кенг ривожлантириш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг мантиқий тафаккур даражасини ўстириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилаётир. Шу йилнинг 9 август куни қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида шахматни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Президент қарори ушбу спорт турини ривожлантириш, иқтидорли ёш шахматчиларни тайёрлаш, тармоққа малакали мураббий кадрларни жалб этиш орқали шахматни янада ривожлантиришга қаратилган.

Маълумки, шахмат қадимда шатранж деб аталган. Асрлар оша яшаб келаётган ушбу спорт тури халқимизга бегона эмас. У неча минг йилдирки, миллат онгу шуурига, ижтимоий ҳаёт қатларига сингиб кетган. Буни тарих ҳам исботлайди. Эрамиз бошларида Кушонлар салтанати давридаёқ ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида шахмат кенг оммалашгани ҳақида далиллар мавжуд.

Соҳибқирон Амир Темур ҳам шахматни жуда қадрлаган, давлат бошқарувида айнан шахмат доналарига асосланиб ҳаракат қилгани тарихдан маълум. У "Агарда қора доналар орқали мустаҳкам мудофаа йўлга қўйилса, "оқ"ларнинг ҳар қандай ҳужуми муваффақиятсизликка учрайди", деб ҳисоблаган. Бундан кўринадики, шахмат нақафақат ақл чархи, балки давлат бошқарувида ҳам муҳим аҳамиятга эга омил саналган.

Дарҳақиқат, бугунги кунда юртимизда шахматга бўлган эътибор, ёшларнинг ушбу спорт тури билан мунтазам шуғулланиб келаётгани, мантиқий фикрлаш доираси кенгайишига хизмат қилаётгани таҳсинга сазовор, албатта. Буни ёшларимиз орасида халқаро гроссмейстер, халқаро шахмат устаси ва ФИДЕ устаси, шунингдек, тўрт нафар жаҳон чемпиони, икки нафар Осиё чемпиони борлигидан, қолаверса, шахматчиларимиз шу йилнинг ўзида, яъни 1 августга қадар халқаро майдонларда 48 та олтин, 39 та кумуш ҳамда 25 та бронза, жами 112 медални қўлга киритганидан ҳам билиш мумкин. Қувонарлиси, бу рақамлар йил сайин ошмоқда.

Айни пайтда мамлакатимизда Шахмат бўйича республика ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаби, унинг 11 филиали, шунингдек, 13 та нодавлат шахмат клуби ҳамда муассасалари фаолият юритмоқда. Ушбу қабул қилинган қарор, аввало, мавжуд ресурслар ўртасидаги мувозанатни мувофиқлаштириши билан ҳам аҳамиятлидир.

Қарорда белгиланганидек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри туманларидаги 150 та умумтаълим мактабида мажбурий мактаб дастурлари доирасида, тажриба тариқасида шахмат дарслари киритиладиган бўлди. Бу, ўз навбатида, ушбу спорт турининг янада оммалашишига, ёшларнинг ақлий тафаккури ривожланишига хизмат қилади.

— Янги ўқув йили бошланишига ҳам саноқли кунлар қолди. Албатта, вақтимиз жуда кам эди. Лекин биз имкон қадар мутахассислар тайёрлашга эришдик, — дейди Шахмат бўйича республика ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаби директори Фарҳод Собиров. — 150 мактабда шахматни ўқитиш учун мутахассислар тайёрланди. Бундан ташқари ўқув қўлланмалар ҳам тахт қилиб қўйилган. Ҳозирги кунда мактабларда шахмат бўйича жаҳон чемпиони Рустам Қосимжоновнинг ўзбек ҳамда рус тилларида чоп этилган "Сеҳрли олам" номли китоби ўқув қўлланма сифатида тавсия этилмоқда.

Бундан ташқари, Шахмат бўйича республика ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаби Ўзбекистон шахмат федерацияси тасарруфига ўтказилди. Лекин бу мактаб энди Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги тасарруфида бўлмайди, дегани эмас. Балки мактабимиз фаолияти Ўзбекистон шахмат федерацияси билан биргаликда мувофиқлаштирибборилади. Тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда зарур шарт-шароитлар яратилмоқда, қўшимча бино ва ётоқхона қуриш масалаларига ҳам эътибор қаратилаётир.

Қарорга мувофиқ, шу йилнинг 1 сентябридан бошлаб мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча шахмат клуби ҳамда шахматни ўқитиш ва шахматчилар тайёрлашни амалга оширадиган бошқа спорт муассасалари Ўзбекистон шахмат федерацияси томонидан Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан келишилган ҳолда мажбурий аккредитациядан ўтказилади ва ҳар чоракда ўз фаолияти ҳақида ҳисобот тақдим этади. Бир ой муддат ичида барча шахмат клубини паспортлаштириш назарда тутилган.

Дарҳақиқат, шу кунга қадар республикамиз миқёсида жуда кўп шахмат клублари очилган. Бироқ улар учун методик қўлланма ва мураббий етарли бўлмаган. Шу боис, чет элдан мутахассислар чақириб, клубларда мураббийларни тайёрлаш бўйича курслар очилади. Клублар ўртасида танловлар ташкил этиш режалаштирилган. Бу эса шахмат клублари фаолиятини ҳам модернизация қилиш учун замин яратади.

— Ота-онам мени ёшлигимдан шахмат машғулотига олиб борарди, — дейди шахмат бўйича Осиё ҳамда жаҳон чемпиони Нодирбек Абдусатторов. — Шунинг учун ушбу спорт турига қизиқишим бўлак. Умуман, шахмат ҳаммага бирдек керакли спорт тури, деб ўйлайман. У ҳам хотирани мустаҳкамлайди, ҳам ақлни чархлайди. Қолаверса, шахмат нафақат интеллектуал спорт тури, балки мураккаб фан ва жозибали санъат ҳамдир. Кейинги йилларда олис туман ва қишлоқларда ҳам шахматга қизиқиш кучайди. Фарзандлари ақл-идрок ўйини билан шуғулланишини истаган ота-оналар сафи тобора кенгаймоқда...

Мухтасар айтганда, давлатимиз раҳбарининг ушбу қарори яна кўплаб заковат эгаларини кашф этиш, Ватанимиз довруғини бутун дунёга таратиш дастуриламол бўлиб хизмат қилади. Зеро, Ўзбекистон бугун шахмат оламида етакчи мамлакатлардан бирига айланмоқда.

Нигора НИШОНБОЕВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

МММда

ИННОВАЦИОН ЛОЙИҲАЛАР

БАНК ТИЗИМИ РИВОЖИГА ҲИССА ҚЎШМОҚДА

"Қишлоқ қурилиш банк" Ўзбекистон миллий матбуот марказида ўтказган матбуот анжумани банкнинг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда мижозларга кўрсатаётган масофавий банк хизматларига бағишланди.

Тадбирда қайд этилганидек, мамлакатимиз банк-молия тизимида амалга оширилаётган жадал ислоҳотлар жараёнида масофавий банк хизматлари кўрсатишни ривожлантириш бўйича замонавий ва илғор банк хизматлари турларини амалиётга жорий этиш, банк ташаббусларини илгари суриш, янги ахборот технологияларини жорий этиш, банк фаолиятининг илғор халқаро тажрибасини ўрганиш, банк хизматлари ва маҳсулотларининг янги турларини жорий этишга катта эътибор қаратилмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 23 мартдаги "Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори банк тизими ривожида муҳим босқични бошлаб берди.

Акциядорлик тижорат "Қишлоқ қурилиш банк" тизимида ҳам мазкур қарор ижросини таъминлаш борасида зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, замонавий ахборот-технологиялари тармоққа кенг жорий этилган бўлиб, масофавий хизматлар кўлами кун сайин ортиб бормоқда.

— Бугун банкимиз мижозларга кўрсатаётган масофавий хизматлар банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимлари — "Интернет банкинг", "Молия банкинг" ва "СМС-банкинг" хизматларидан иборат, — дейди "АТБ Қишлоқ қурилиш банк"ининг Ахборотлаштириш департаменти бош мутахассиси Алишер Абиров. — Мазкур хизматларни кўрсатиш орқали мижозлар учун ўз вақтини тежаш ва маблағини тезкор тасарруф этиш каби қулайликлар яратилаётган бўлса, банклар учун мижозлар сонини кенгайтириш, иқтисодий самарадорликни ошириш ва меҳнат ресурсларини тежаш имконияти яратилмоқда.

Тадбирда банк томонидан кўрсатилаётган масофавий хизматлар, уларнинг афзалликлари ва жорий этилиши режалаштирилаётган янги инновацион лойиҳалар ҳақида ҳам маълумот берилди.


Журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

Ўз мухбиримиз

САМАРҚАНД ЙЎЛЛАРДАН МУНТАЗАМ ФОЙДАЛАНИШ
УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

ИСТИҚЛОЛ

айёми билан
самимий муборакбод этади.







Хонадонингиздан
шоду хуррамлик,
меҳр-оқибат,
файзу барака
аримасин!

Хизматлар лицензияланган

ШОВОТ ТУМАНИДАГИ "289-СОН
хўжаликлараро кўчма механизациялашган
колонна" масъулияти чекланган жамияти жамоаси

Барчани

Мустақиллик куни

билан қизғин табриклайди.

Юртимизнинг
гуллаб-яшнаши йўлидаги
бунёдкорлик ишларингизда
муваффақиятлар тилаймиз.



БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

Хизматлар лицензияланган

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ
САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

27 йил

Барча юртдошларимиз ва ўз мижозларини Ватанимиз

мустақиллигининг 27 йиллик

байрами билан табриклайди.



ЮРТИМИЗ ТИНЧ, ОСМОНИМИЗ МУСАФФО БЎЛСИН!

Хизматлар лицензияланган

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши жамоаси

меҳнаткаш, багрикенг, бунёдкор халқимизни





Ватанимиз мустақиллигининг 27 йиллик

шодиёнаси билан қизғин табриклайди.



ЭРКИМИЗ, ШОНУ-ШАВКАТИМИЗ БОҚИЙ БЎЛСИН!

Хизматлар лицензияланган

UTG UZTRANSGAZ

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА ГАЗ ТАЪМИНОТИ ҲУДУДИЙ ФИЛИАЛИ

Барчани энг улуғ, энг азиз байрам

– МУСТАҚИЛЛИК КУНИ

билан қутлайди.
Ҳар бир хонадонни тинчлик, хотиржамлик ва фаровонлик тарк этмасин.

МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Хизматлар лицензияланган

ТОЙЛОҚ ТУМАНИ ЙЎЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ УНИТАР КОРХОНАСИ

Барча юртдошларимизни Ватанимиз

МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 27 ЙИЛЛИГИ

билан муборакбод этади.

Бетакрор Ватанимиз равнақи йўлида хизмат қилишдан ҳеч қачон толманг, азиз дўстлар!

ИСТИҚЛОЛ МУБОРАК!







Хизматлар лицензияланган

Бизнинг шарх

МИСР ПАРЛАМЕНТИ

БИР ПАЛАТАЛИ БЎЛИБ, УНДА БЕШ ЙИЛ МУДДАТГА САЙЛАНАДИГАН 596 ДЕПУТАТ ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРАДИ

Миср Араб Республикаси — Африканинг Шимоли-шарқи ва қисман Осиё (Синай ярим ороли)да жойлашган. Майдони — 1001,4 минг квадрат километр. Аҳолиси 97 миллиондан зиёд. Пойтахти — Қоҳира шаҳри. Маъмурий жиҳатдан 27 муҳофаза (ҳудуд)га бўлинади. Давлат бошлиғи — Президент. Расмий тили — араб тили. Миср — 1945 йилдан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзоси. Миллий байрами — 23 июль — Инқилоб куни (1952).



Миср парламентига 1866 йилда асос солинган. Мамлакат парламенти қонунларни қабул қилади, давлатнинг умумий сиёсати, иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт режаларини тасдиқлайди, ҳукумат фаолиятини назорат қилади. 2014 йилнинг 14-15 январь кунлари ўтказилган референдумда қабул қилинган мамлакат Конституциясига биноан парламент бир палатали бўлиб, унда беш йил муддатга сайланадиган 596 депутат фаолият олиб боради. Уларнинг 448 нафари бир мандатли округларда, 120 нафари партия рўйхати асосида сайланади. Парламентнинг 28 нафар аъзосини эса Президент тайинлайди.

25 ёшга тўлган мамлакат фуқароси депутат этиб сайланиши мумкин. 18 ёшга тўлган фуқаро эса сайловда иштирок эта олади. Парламент аъзолари дахлсизлик ҳуқуқига эга. Жиноят жойида қўлга олинишини ҳисобга олмаганда, депутатлар парламент рухсатисиз жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Парламент Қоҳира шаҳрида йиғилади. Бироқ Президент ёки парламент аъзоларининг учдан бир қисми талаби билан мажлислар бошқа жойда ҳам ўтказилиши мумкин. Парламент сессияси Президент томонидан ҳар йили октябрь ойининг биринчи пайшанбасида чақирилади. Сессия тўққиз ой давом этади. Президент давлат бюджети қабул қилинганидан сўнггина сессияни ёпиқ деб эълон қилади. Таъкидлаш жоиз, давлат раҳбари ёки камида ўн нафар депутатнинг талаби билан парламентнинг навбатдан ташқари сессияси ўтказилиши мумкин.

Парламентнинг илк мажлисида Спикер ҳамда унинг икки нафар ўринбосари сайланади. Борди-ю, уларнинг бирортаси фаолиятини амалга ошириш жараёнида ўз ваколатини суистеъмол қилса, парламент аъзоларининг учдан бир қисми талабномаси ҳамда депутатларнинг учдан икки қисмининг овози билан ўз вазифасидан озод этилади. Али Абделт Ааль 2016 йилнинг 10 январидан эътиборан парламент Спикери сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Парламент ўз регламентини қабул қилади. Палата мажлислари очиқ-ошкора тарзда ўтказилади. Президент, Спикер ёки камида 20 нафар депутатнинг талаби билан ёпиқ мажлислар ҳам ўтказилиши мумкин. Парламент мажлислари ҳамда уларда қабул қиладиган қарорлар йиғилишда депутатлар таркибининг асосий қисми қатнашган тақдирдагина ҳақиқий ҳисобланади.

Қонунлар парламент аъзоларининг учдан бир қисми томонидан тайёрланиб, депутатларнинг кўпчилиги томонидан қабул қилиниши лозим. Мамлакат Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш билан боғлиқ қонун лойиҳалари парламент аъзоларининг учдан икки қисми овози билан қабул қилинади.

Президент, Ҳукумат ҳамда парламент аъзолари қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга. Ҳукумат ёки парламент аъзоларининг ўндан бир қисми ташаббуси билан илгари сурилган қонун лойиҳаси ўрганиб чиқиш ҳамда кейинчалик Ҳисоб палатасига тақдим этиш учун махсус қўмитага тақдим этилади. Парламент қабул қилган қонун лойиҳаси Президент томонидан қабул қилиниши ёки рад этилиши мумкин. Агар Президент қонун лойиҳасини рад этса, 30 кун ичида уни парламентга қайтариши лозим. Борди-ю, қонун лойиҳаси шу муддат ичида қайтарилмаса, қабул қилинган ҳисобланади. Мабодо лойиҳа ўттиз кун ичида парламентга қайтарилса-ю, депутатлар таркибининг учдан икки қисми уни қайта маъқулласа, қонун қабул қилинган деб топилади.

Ҳукумат аъзолари парламент мажлисларида иштирок этиш ҳуқуқига эга. Депутатлар Бош вазир, вазирлар ҳамда уларнинг ўринбосарларига ўз ваколатига тааллуқли ҳар қандай масалада сўров юбориш ҳуқуқидан фойдаланади. Ҳукумат аъзолари ана шу сўровга жавоб қайтариши лозим. Парламент Бош вазир, вазирлар ҳамда уларнинг ўринбосарларига нисбатан ишончсизлик вотуми қабул қилиши мумкин. Ишончсизлик вотуми парламент аъзоларининг учдан бир қисми ташаббуси асосида талабнома орқали илгари сурилади. Ишончсизлик вотуми депутатларнинг кўпчилик қисми овози билан қабул қилинади. Агар ишончсизлик вотуми қабул қилинса, тегишли ҳукумат аъзоси истеъфога чиқарилади.



Президент парламентни тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга. Буни у асосли сабаб ҳамда референдум ўтказиш йўли билан амалга оширади. Референдумда сайловчиларнинг кўпчилик қисми бу қарорни қўллаб-қувватлаб овоз берса, Президент парламент тарқатилгани борасида қарор қабул қилади. Шундан сўнг ўттиз кун ичида навбатдан ташқари парламент сайловини эълон қилади.

Фуқаролар парламентга давлат аҳамиятига молик масалаларда таклифларни ёзма тарзда илгари суриши мумкин. Шунингдек, уларнинг тегишли ҳукумат аъзосига нисбатан шикоят тақдим этиши қонун билан мустаҳкамланган. Парламент талаби билан тегишли вазир мазкур ҳолат юзасидан тушунтириш бериши, шикоят тақдим этган фуқаро эса унинг натижасидан ўз вақтида хабардор этилиши лозим.

Мисрда сўнгги парламент сайлови 2015 йилнинг 18-19 октябрь ҳамда 22-23 ноябрь кунлари, яъни икки турда ўтказилди. Унда "Мисрга муҳаббат билан" блоки икки тур натижаларига кўра 120 мандатни қўлга киритиб, ғалаба қозонди. Мазкур блок таркибидан ўнта сиёсий партия ўрин олган. Улар орасида "Ал-Вафд", "Озод мисрликлар" сингари мамлакатнинг нуфузли сиёсий партиялари ҳам бор.

Миср Африкадаги ривожланган мамлакатлардан биридир. Жаҳон бозорига юқори сифатли узун толали пахта ва ундан тўқилган газламаларни кўп миқдорда етказиб беради. Ўтган асрнинг 70-йиллари охири ҳамда 80-йиллардан бошлаб нефть қазиб олиш ва экспорт қилиш кўпая бошлади. Иқтисодий тараққиётга, айниқса, саноат ва унга кўмаклашувчи тармоқларни ривожлантиришга эътибор кучайди. Четдан, асосан, машина ва асбоб-ускуна, дон ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари, цемент, металл, ёғоч каби маҳсулотларни импорт қилади. Ташқи савдо юклари, асосан, денгиз кемалари ва самолётларда ташилади. Асосий денгиз порти — Искандария (Ўрта ер денгизида).

Миср Араб Республикаси Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини 1991 йил 26 декабрда тан олган ҳамда 1992 йил 23 январда дипломатия муносабатлари ўрнатган.

Шаҳзод ҒАФФОРОВ,
халқаро шарҳловчи

Рангин дунё

АФРИКА КОЛИЗЕЙИ







Ўрта Ер денгизи соҳилига туташ Тунисда диққатга сазовор тарихий иншоотлар кўп. Бироқ Эль-Жем шаҳрида жойлашган қадимий амфитеатр улар орасида яққол ажралиб туради. Уни "Африка Колизейи" деб ҳам аташади. Эрамизнинг III асрида бунёд этилган ушбу иншоот катталиги жиҳатидан Рим шаҳридаги "Колизей", Капуя шаҳридаги амфитеатрдан кейинги ўринда туради.

Иншоот "Тиздр амфитеатри" деб ҳам аталади. Чунки томошагоҳ қадимий Тиздр шаҳри ўрнида бунёд этилган. Тарихий маълумотларга қараганда, қадимда Тиздр шаҳрида 50-60 минг аҳоли истиқомат қилган. Ҳозирги кунда унинг ўрнида жойлашган Эль-Жем у қадар катта шаҳар эмас. Унинг аҳолиси 20 минг кишидан ошади. Бироқ у амфитеатр, археология музейи билан дунёга машҳур.

Амфитеатр эрамизнинг 232-238 йилларида Рим салтанати тасарруфида бўлган Африка вилояти ҳукмдори Марк Аврелий Гордиан ташаббуси билан бунёд этилган. Кўп ўтмай Гордиан ўзини мустақил император деб эълон қилади. Тиздр шаҳри аҳолиси Рим ҳокимиятига қарши қўзғолон кўтариб, Гордианни қўллаб-қувватлайди. Қўшни Нумидия вилояти ҳукмдори аввалги император Максимингa содиқ қолган ҳолда катта қўшин юбориб, қўзғолонни бостиради ва Гордиан ҳукмронлигига чек қўйилади. Шу тариқа унинг ҳукмронлиги атиги 36 кун давом этади, холос. Тиздр шаҳри эса вайронага айлантирилади. Ана шу воқеалар сабаб амфитеатрда қурилиш ишлари охирига етмай қолади.

Амфитеатрда аравоаларда пойгалар уюштирилган, гладиаторлар жанги ўтказилган. Томошагоҳ остида иккита кириш жойи — ҳужра ўрин олган. Бу ердаги қафасларда мусобақа иштирокчилари — ёввойи ҳайвонлар сақланган, гладиаторлар ҳам жанг бошланишидан олдин шу ерда тайёргарлик кўрган.

Бу ернинг тупроғи қаттиқ ва текис экани боис амфитеатр пойдеворсиз қурилган. Томошагоҳ овал шаклида бўлиб, узунлиги 148, эни 122 метр, баландлиги 36 метрни ташкил қилади. Иншоот уч қаватли қилиб қурилган бўлиб, кўп сонли аркалардан иборат. Бир вақтлар у 68 аркага эга бўлган, ҳозирда уларнинг 30 таси сақланиб қолган, холос. Амфитеатр аренасининг узунлиги 65, эни 39 метрни ташкил этади. Томошагоҳ 30-35 минг томошабинни сиғдира олган. Амфитеатр узоқ вақт ташландиқ ҳолатда қолиб кетади. Шаҳарни араблар эгаллаб олганидан сўнг Кайруан шаҳридаги йирик масжид қурилишида иншоот тошларидан фойдаланилган. Кейинчалик у қалъа вазифасини ҳам бажарган.

Археологлар бу ерда 1904 йилдан қазилма ишларини олиб борди. Амфитеатр Иккинчи жаҳон уруши йилларида жиддий зарар кўрди. 1974-1980 йилларда таъмирлаш-тиклаш ишлари амалга оширилди. Бугун амфитеатр қонун билан муҳофаза остига олинган. Шу боис ундан 300 метр узоқликкача бўлган масофада беш метрдан баланд иншоотлар қуриш тақиқланган.

Бир пайтлар Эль-Жем шаҳрида зайтун ёғи билан савдо қилинган. У пайтда зайтун ёғи камёб маҳсулот бўлган. Қадимда амфитеатр атрофида бозор фаолият кўрсатган. Ҳозирда бу ерда савдо расталари ўрин олган бўлиб, унда асосан тарихий иншоот билан боғлиқ турли эсдалик буюмлари сотилади.

Айни кунгача амфитеатр яхши сақланган ҳолатда етиб келган. Гарчи унинг деворларида мармар ва мозаикалар кўчиб тушган бўлса-да, кўпчилик хусусан, сайёҳлар уни Рим Колизейига нисбатан яхшироқ сақланганини, бу ерда ўша давр муҳитини тўлиқ ҳис этиш мумкинлигини эътироф этади. 1985 йилдан бошлаб амфитеатрда халқаро симфоник мусиқа фестивали ўтказиб келинмоқда.

Эль-Жем шаҳридаги амфитеатр 1979 йилда ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган.

Шаҳзод ҒАФФОРОВ

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

ОЛТОЙДА НЕАНДЕРТАЛ ОДАМ СУЯКЛАРИ ТОПИЛДИ



Макс Планк жамиятининг Эволюцион антропология институти (Германия) олимлари неандертал ва денисовликлар (шу номдаги гор билан боғлиқ) одамига тегишли суяк қолдиқларини топди. Бу ҳақда "Eurek Alert" нашри хабар бермоқда.

Қадимий одам скелети қисмлари Денисов ғори (Олтой ўлкаси)дан 2012 йили топилган бўлиб, тахминан 13 ёшли ўспирин танаси қолдиқларидир. Лейпцигдаги мутахассислар суякнинг протеин таркибини генетик таҳлил қилганида ўспирин гоминини қабиласи вакили бўлгани аниқланди. Бу қабилага замонавий одам, унинг қадимий аждодлари киради.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, ўспириннинг онаси Денисов ғори ҳудудида эмас, Ғарбий Европада яшаган неандерталларга яқин бўлган. Бу Homo neanderthalensis дейилувчи одам аждоди йўқ бўлиб кетгунга қадар Евроосиё ҳудудларига тарқалган. Бундан ташқари, ўспириннинг денисовликлар турига кирувчи отасининг аждодларидан бири (ота ёки она томондан) неандерталларга алоқадор.

ТУГМАЛИ ТЕЛЕФОНЛАРГА ҚИЗИҚИШ ОРТМОҚДА



Сўнгги йилларда сенсор ёрдамида бошқариладиган телефон аппаратлари — смартфонлардан фойдаланишга ўрганиб қолдик. Бироқ 2017 йилда тугмалар билан бошқариладиган ва Интернетга уланиш имконияти бўлмаган телефон аппаратларига бўлган қизиқиш 5 фоизга ўсгани кузатилаётир, деб ёзмоқда "Sky News".


Нашрда ёзилишича, смартфонлар савдоси кутилмаганда икки фоизга тушиб кетган. Смартфонга бўлган талабнинг пасайишига сабаб қилиб одамларнинг кун бўйи ижтимоий тармоқларга боғланиб қолишдан чарчагани айтилмоқда. Фойдаланувчилар Интернетга уланиш имкони бўлмаган телефонларни сотиб олиб, Instagram ёки Facebookдаги саҳифасини текшириб туришдан ўзини онгли равишда чегараламоқда.

"Fox News" маълумотларига кўра, фойдаланувчилар ўртача ҳар 12 дақиқада смартфонига келган янгиликларни текшириб туради. Британия Алоқа бюроси "Ofcom"нинг тадқиқотлари мамлакатнинг 78 фоиз аҳолиси ҳаётини смартфонларсиз тасаввур қилолмаслигини кўрсатган. Шунингдек, ёши катталар кунига ўртача 28 дақиқа, 18-24 ёшлилар ўртача 3 соат 14 дақиқа вақтини Интернетда ўтказиши аниқланган.

Интернетга муккасидан кетиш муаммоси смартфон ишлаб чиқарувчиларни ҳам хавотирга солмоқда. Шу боис июнь ойи охирида пайдо бўлган iOS 12нинг бета-версиясида фойдаланувчилар қанча вақтини ижтимоий тармоқ ёки мессенжерларда ўтказганини кузатиб бориш, шунингдек, смартфонлардан фойдаланиш вақтини чегаралаш имконияти яратилди.

Шу йилнинг февраль ойида Nokia компанияси "Матрица" фильмида фойдаланилган "банан-телефон" 8110 моделини қайта ишлаб чиқаришни йўлга қўйгани ҳақида маълумот тарқалган эди. Компания афсонавий телефон аппарати — Nokia 3310нинг янгиланган версиясини тақдим қилмоқда. У Wi-Fi ва 4G функцияларига эга бўлди.

УЧУВЧИ МАШИНА ТАЖРИБАДАН ЎТКАЗИЛМОҚДА



Канаданинг Opener стартапи BlackFly номли бир ўринли учувчи машинани тажрибадан ўтказди. Тажриба жараёни акс этган видео YouTube тармоғида кенг омма эътиборини тортди.

Роликда автомобиль қуруқлик ва сув юзасида учиб юргани тасвирланган. Қурилма орқа ва олд қисмида кичик қанот ўрнатилган қайиқни эсга солади. Opener.aero сайтида айтилишича, автомобиль юқорига вертикал тарзда кўтарилиши ва ўтлоқ, қор, муз ва текисликка қўниши мумкин. У жойстик ёрдамида осон бошқарилади ва кичик фургонга сиғади. Машина бўйи 198 сантиметрдан, оғирлиги эса 113 килограмдан ортиқ бўлмаган одам билан 40 километр масофагача уча олади.

М. АБДУЛЛАЕВ тайёрлади.

MILLIY TIKLANISH
34-35 (519) 2018 йил 29 август, чоршанба

QISHLOQQURILISHBANK
жамоаси

Барча юртдошларимизни мамлакатимиз мустақиллигининг 27 йиллик байрами билан самимий табриклайди.

Фурсатдан фойдаланиб, қуйидаги миллий валютадаги янги омонат турларини таклиф этамиз:

"Инсон манфаати"
омонат муддати —13 ойдан 30 ойгача,
фоиз ставкаси — йилига 16 %.

"Яхши ният"
омонат муддати — 3 ойдан 13 ойгача,
фоиз ставкаси — йилига 14 %.

УШБУ ОМОНАТЛАРГА ҲИСОБЛАНГАН ФОИЗЛАР ҲАР ОЙДА ТЎЛАБ БОРИЛАДИ.

СИЗНИНГ ОМОНАТЛАРИНГИЗ ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ.





Мурожаат учун:
(+99871) 150-72-58, 150-93-39
www.qqb.uz

"Қишлоқ қурилиш банк" —
фаровон ҳаётингиз хизматида!

27 йил

Хизматлар лицензияланган

XALQ BANKI


Акциядорлик тижорат Халқ банки жамоаси Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йиллик шодиёнаси билан барча юртдошларимизни муборакбод этади.

27

Азиз ва жонажон Ўзбекистонимизнинг гуллаб яшнаши, унинг фаровонлиги йўлида Сизларни куч-қувват ҳеч қачон тарк этмасин!

Юртимиз доимо тинч, хонадонларимиз хотиржам, дастурхонларимиз тўкин бўлсин!

Шу билан бирга Халқ банки юртдошларимизга онлайн конверсия хизматини таклиф қилади. Сиз банкнинг ушбу хизматидан фойдаланиб:
-хорижий валютани "Xalq mobile" мобил иловаси орқали исталган вақтда исталган давлатда харид қилиш;
-интернет тизими орқали меҳмонхона ва авиачипталарни брон қилиш;
-интернет дўконлари орқали харидлар ва хизматларни амалга ошириш имкониятларига эга бўласиз.



Маълумот учун: (371) 200-00-55, 120-17-70. www.xb.uz

Хизматлар лицензияланган

Хоразм вилояти автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармаси жамоаси

Ўзбекистон халқини Ватанимиз мустақиллигининг 27 йиллиги билан муборакбод этади.



Бахту саодат, омад ва зафарлар сизни ҳеч қачон тарк этмасин!

Хизматлар лицензияланган

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

ШАРБАТИ ҲАМ, ЎЗИ ҲАМ ДАВО



Миллий таомларни, айниқса, паловни сабзисиз тасаввур қила олмаймиз. Шу боис у деярли ҳар бир хонадон томорқасида экилади. Сабзи нафақат юртимиз, балки бутун дунёда кенг тарқалган: унинг Ўрта ер денгизи атрофидаги мамлакатлар, Африка, Австралия, Янги Зеландия ва Америкада 60дан ортиқ тури етиштирилади.

100 грамм сабзида 32 ккал, 233 мг кальций, 0,64 мг магний, 2,17 мг фосфор мавжуд. Таркибидаги каротин миқдори барча мева ва сабзавотларга нисбатан кўп. Инсон танасининг каротинга бўлган кунлик эҳтиёжини (6 мг) қондириш учун 100-200 грамм сабзи истеъмол қилиш кифоя. Шунингдек, сабзида кўп миқдорда шакар мавжуд.

Сабзи камқонлик, бронхит, айрим тери ва юрак-қонтомир касаллигида фойдали. Таркибидаги А витамини кўзни равшанлаштириш хусусиятига эга.

Айтиш ўринлики, сабзидаги барча каротин моддасини танамиз ўзлаштиролмаслиги, витаминлар синтезини амалга оширувчи жигар меъёрида ишлай олмаслиги мумкин. Бунда А витамини ёрдамга келади: у ёғ билан тез ўзлаштирилади. Шунинг учун каротин моддасига эга сабзавотларни сметана ва ўсимлик мойи билан қориштирилган салат кўринишида истеъмол қилиш мақсадга мувофиқ.

Сабзи инсон организмига антисептик, яллиғланишга қарши, оғриқсизлантирувчи восита сифатида таъсир кўрсатади. Шунингдек, у ошқозон-ичак тизими фаолиятини кучайтиради. Сабзининг ўзидан ёки бошқа мевалар билан қўшиб тайёрланган шарбат чарчоқни чиқаради, иштаҳани очади, антибиотикларнинг организмга заҳарли таъсирининг олдини олади, соч ва тирноқларни мустаҳкамлайди, шамоллаш билан боғлиқ касалликларга қарши иммунитетни кучайтиради. Бироқ, шарбатни истеъмол қилишда ҳам меъёрга эътибор қаратиш лозим. Меъёридан ортиқ ичилган сабзи шарбати уйқусизлик, бош оғриғи ва бошқа ёқимсиз ҳолатларни юзага келтириши мумкин.

50-100 грамм миқдордаги янги узилган сабзини овқатланишдан аввал салат ҳолида истеъмол қилиш зарур. Бу бронхиал астма, жигардаги кислота миқдорининг тушиб кетиши билан боғлиқ гастрит, буйрак ва бошқа аъзолардаги касалликни даволашда қўл келади. Сутда қайнатилган сабзи овознинг хириллаши, оғриқли йўталиш ва пневмонияда ижобий таъсир кўрсатади.

Сабзини болалар ва парҳез тутган кишилар таомномасига киритиш анъанага айланган. Ундан ичимлик, салат ва шўрва тайёрлаш мумкин. Бундан ташқари, соус, зиравор, дудланган ва унли қандолат маҳсулотлари таркибига қўшилади, сабзавот, гўшт ва баликдан консерва қадоқлашда ҳам кенг фойдаланилади.

М.АБДУЛЛАЕВ тайёрлади.

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, Амриддин БЕРДИМУРОДОВ, Акмал САЙДОВ, Алишер ҚОДИРОВ, Ортиқали ҚОЗОҚОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Исмат ХУДОЁРОВ

Бош муҳаррир: Беҳзод НОРБОЕВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими: 234-01-47, Маданият, туризм ва ҳалқаро ҳаёт бўлими: 234-86-41, Маънавият, маърифат ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 8 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 816, Адади — 3912. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Навбатчи муҳаррир: Эркин ДОРИПОВ
Навбатчи: Нигора НИШОНБОЕВА
Саҳифаловчи: Жалолиддин ЎРИНОВ
Электрон почта: e-mail: gazeta@mt.uz, mtiklanish@mail.ru
Босишга топшириш вақти — 21.30.
Топширилди — 22.20.

ISSN 2010-7714
12345